

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2014-yil 18-aprel • №16 (4259)

## ЭЗГУЛИККА ДАЪВАТ

**Ҳазрат Навоий бобомизнинг "Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп", деган ҳикматлари бор. Гул ва чаман она табиат мўъжизаси бўлса, ундан илҳомланиб яратилган гўзаллик — у шеър ёки ғазал, юксак мусиқа, тасвирий санъат ё саҳна асаридир — инсон яратган маънавият дурдоналари сифатида эъзозга эга. Уларнинг ҳар бири ўз ифори, таровати билан инсон кўнглидаги беғубор, нафис туйғуларни камолга етказади, маънавий дунёмизни бойитади.**

У ёки бу халқнинг маънавий мероси, маданий бойликлари, кўҳна тарихий ёдгорликлари билан бир қаторда инсониятнинг улуғ сиймолари томонидан яратилган адабиёт ва санъат дурдоналари ҳам умуминсоний маънавий бойликлар хазинасидан муносиб жой олган. Шекспир трагедиялари, Хеменгуэйнинг "Чол ва денгиз", Толстойнинг "Уруш ва тинчлик", Пушкиннинг "Евгений Онегин", Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романлари, Ҳейне ва Есенин шеърлари, Кавабата, Х.Мураками ва бошқа оламшумул адиблар яратган асарлар умрбоқий маънавият дурдоналари сифатида беқиёс қадр-қимматга эга.

Шу маънода Юртбошимиз томонидан маънавият тушунчасига берилган таъриф унинг моҳиятини янада теран ифода этади: **"Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир".**

Ижодкорларнинг "инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган" асарлари халққа тарқаладиган, оммалашадиган минбарни оммавий маданият тармоқлари, улар тарқатадиган адабиёт ва санъат асарларини эса оммавий маданият деб аташ урфга айланган. Бироқ бугун ана шу тармоқлар орқали **"одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга"** муносиб асарлар билан бирга ёшларнинг онг ва шуурини заҳарлайдиган, маънавий савия ва бадиий дидини ўтмаслаштириб ёки бутунлай ўзгартириб юборадиган саёз ва сохта асарлар — "аксилмаданият" турлари ҳам оммалашиб бормоқдаки, бу ўринда оқу қорани фарқлаш, уларнинг зарарли таъсиридан ўзликни асраш масаласи келиб чиқди.

Аслида адабиёт, санъат, мусиқа, рангтасвир, меъморлик, ҳунармандчилик каби барча маданият турлари инсондаги гўзаллик ҳиссини камол топтиришга хизмат қилмоғи керак. Даҳолар яратган асарлар китоб тарзида ҳам, саҳна ва экран асарлари тарзида ҳам барча халқларни бирдек тўлқинлантиради, завқлантиради, инсонни ўз ҳаётига, келажагига ҳушёр боқишга ундайди. "Шашмақом" ёки Бетховен симфониялари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бирдек қадрли. Муножот Йўлчиеванинг ўзбек миллий қўшиқларини Европа саҳналарида олқишларга кўмиб эшитишаётгани, қадимий Самарқанд ва Юрмалада бўлиб ўтаётган мусиқа фестиваллари бутун жаҳоннинг эътиборида бўлаётгани бежиз эмас. Бу чинакам санъатнинг умуминсоний маданият дурдоналари сифатида кўпчиликнинг маънавий мулкига айланганидан далолатдир. Бинобарин, маънавиятни маданият бойликлари, юксак савиядаги асарлар, тафаккур дурдоналарисиз тасаввур этиш мумкин эмас.

"Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида алоҳида таъкидланганидек, **"Қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади".**

Дарҳақиқат, халқимиз, ёш авлодларимиз маънавий олами дахлсизлигини асраш учун бундай маънавий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз, хорижий адабиёт ва санъат намуналари билан танишар эканмиз, улар орасидан бой маънавиятимизга мувофиқ келадиган яхши жиҳатларнигина олиб, ёмон жиҳатлардан буткул воз кечишимиз зарур бўлади. Масалан, айтайлик, ҳазрат Навоийнинг ўтли ғазалиёти, Дантенинг "Илоҳий комедия"сини мароқ билан мутолаа қилиб, буюк шоирларнинг тафаккур оламидан таъсирланганимиздек, умуминсоний маданият дурдоналарини танлаб, саралаб баҳраманд бўлиш орқали маънавий дунёмизни бойитиб боришдан ҳамиша манфаатдормиз.

Модомики, маънавият манзиллари инсоннинг қалби, онг ва тафаккури экан, одамзод кўнглига эзгулик уруғларини сепиб, яхшилик боғларини кўкартириш, маърифат гулшанини яшнатиш башар фарзандларининг юксак инсоний бурчидир.

**М.АБДУЛЛАЕВ**

### Маънавият манзиллари



*Беғуборлик*

Машраб НУРИНБОЕВ олган сурат.

## ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

**Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқальа туманида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабиёт кунлари бўлиб ўтди. Анжуман Бўстон шаҳрида жойлашган Муҳаммад Юсуф номидаги академик лицейда шоир сиймоси акс этган ёдгорликка гуллар қўйиш билан бошланди.**

Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорининг маънавиятимизни, адабиётимизни ривожлантиришдаги аҳамияти тўғрисида сўзлади. Туман ҳокими Н.Худойберганов ушбу адабиёт кунлари ҳамда ёш ижодкорларнинг "Истеъдод мактаби" VI минтақавий семинари адабиёт ихлосмандлари ва ёш ижодкорлар ҳаётида унутилмас воқеа бўлганини таъкидлади.

**Давоми иккинчи саҳифада.**

### Навоийни ўрганиш

## ИНСОНИЙЛИК ТАРАННУМИ

**Мумтоз адабиётимиз намуналарида инсоний фазилатлар энг юксак ифодаларда тараннум этилган. Ҳазрат Алишер Навоий ижодиётида ҳам бу мавзу етакчи мавқеда. Даҳо шоирнинг ҳар бир ғазали, достони инсонни шарафлаш, унинг қадр-қимматини баралла куйлаш, одамийлик мартабасини улуғлашдек умуминсоний талқинларга йўғрилган.**

Айни шу жиҳатларга кўра ҳам буюк шоир ижодиёти умуминсоний моҳият касб этиб келаётир. Бундай қадр-қиммат истиқлол йиллари ўзининг беқиёс исботини топди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий боғида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг маҳобатли ҳайкали бунёд этилди.

Бугунги дориламон замонда истиқлолнинг завқли дамларидан баҳраманд бўлиб, адабиётимизнинг фахру ифтихори, миллатимизнинг маънавий ўзагини оламга намоён этган табаррук зотни фахру ифтихор билан ёдга оламиз.

Ҳазрат Навоий умрини инсонийлик ва эзгулик билан безаган, одамларни бир бирига меҳрибону шафиқ бўлишга, умр, ҳаёт қадрини билишга, дўст-биродарликка чақирган. Буюк шоирнинг:

**Ким бу чаман ичра хиромон эрур,**
**Борчаси бир-бирига меҳмон эрур —**

байтидан "Шу азиз Ватан — барчамизники, унинг қадрига етишга ҳам барчамиз масъулдирмиз", деган даъватни англаш мумкин.

Ўз ижодида инсонийлик фазилатларини улуғлаган, қадрлаган, Ватанга муҳаббат туйғусини баралла тараннум этган халқчил шоирнинг:

**Ватан таркини бир нафас айлама,**
**Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама —**

мисраларини ўқиб Ватанга чексиз муҳаббат туйғусини ҳис этамиз. Ватанни тарк этиш, кўнгилни ранжитиш, одамлар ўртасига ғурбат солишдек қусурлардан йироқ бўлишга интиламиз.

Инсонга муҳаббат ва Ватанга муҳаббатнинг ҳамоҳанглигига Навоий ижодида тез-тез гувоҳ бўламиз. Масалан, "Ватан хубби имон нишонидурур", яъни "Ватанга муҳаббат — иймондандур", деган мисралари бунга яққол далилдир. Айниқса, шоирнинг "Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл", деган ҳикматли сўзлари манфаат илинжида Ватанидан узоқларда дарбадар кезиб юрган баъзи кимсаларга қарата айтилган огоҳлантирувчи даъваткор сўздек англашилади.

Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган. Ҳатто фиқҳ (ҳуқуқ) соҳаси, бу илмнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти ҳам ул буюк зотнинг диққат-эътиборидан четда қолмаган. Жумладан, "Мажолис ун-нафоис" асарида ўқиймиз:

**Қолғон киши касби илмдин заҳмат аро,**
**Фиқҳ ўргансин сайъ ила ул меҳнат аро,**
**Илм ичра шараф фиқҳда бил нисбат аро —**
**Ким сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.**

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

## ЁШЛАР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Республика Маънавият тарғибот ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "Соғлом авлодни вояга етказишда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ишлар самарадорлигини ошириш" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб вояга етказишга хизмат қилаётганига тўхталиб, қаерда тарғибот ва ташвиқот ишлари изчил йўлга қўйилган бўлса ўша ерда аниқ натижага эришилаётганига эътибор қаратдилар.

"Соғлом бола йили" давлат дастури ижроси юзасидан давра суҳбатлари, конференцияларга асосан ёшлар жалб қилинаётгани, турли соҳа вакилларидан иборат сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, социологик ва ҳуқуқий йўналишлар бўйича тарғибот гуруҳлари шакллантирилаётгани ҳам шу мақсадларга хизмат қилаётир.

**Давоми иккинчи саҳифада.**

### Ватан мадҳи

## КУНДУЗ ҚУЁШ, КЕЧАЛАРИ ОЙ БЕРГАН

**Одам Отанинг наслига бешик бўлган тоғларим,**
**Момо Ҳавонинг наслига ошиқ бўлган боғларим,**
**Авлиёлар иси келган мўътабар тупроқларим,**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним-ай!**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним!**

**Жайхун!**
**Сайхун!**
**Шаҳру кентларимга она бўлган сувларим,**
**Тупроқ қалъа, Аёз... Элликқалъа бўлган сувларим,**
**Деҳқон ерда ундирган илк дона бўлган сувларим,**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним-ай!**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним!**

**Кундуз қуёш, кечалари ой берган-ей, ой берган,**
**Қирқ кечалаб қўноқ бериб тўй берган-ей, тўй берган,**
**Меҳмонларга уй тўридан жой берган-ей, жой берган,**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним-ай!**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним!**

**Қилич сермаб, ғанимлардан қасос олган даштларим,**
**Ёв бошига дағдағаю даҳшат солган гаштларим,**
**Юракдаги аҳдларим-ай, қонимдаги шаштларим,**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним-ай!**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним!**

**Қояларнинг қошларига парчинланган хатларим,**
**Қабрларнинг тошларига битилган ҳикматларим,**
**Элни севиб, юртни севиб ёнган азиз зотларим,**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним-ай!**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним!**

**Чўпонларим боқиб юрган сурув-сурув қўйларим,**
**Яйловларда кишнаб юрган йилқиларим, тойларим,**
**Сигир соғиб, ўрмак ўрган сулувларим — ойларим-ай,**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним-ай!**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним!**

**Конларга кон, газ берган ҳам, тилла берган ерларим,**
**Тут оғочдан соз берган ҳам, пилла берган ерларим,**
**Баҳор, кузу ёз берган ҳам, чилла берган ерларим,**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним-ай!**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним!**

**Онажоним, ўнтадан кўп бола туққан онам-а,**
**Ҳалол ишлаб, жўжабирдай жонни боққан отам-а,**
**Яғринимга кийикчадай миниб олган болам-а,**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним-ай!**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним!**

**Ватан учун жон аямас киши бор-ей, киши бор,**
**Елкасига қўнган ҳумо қуши бор-ей, қуши бор,**
**Мустақиллик деган буюк иши бор-ей иши бор,**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним-ай!**
**Оҳувва-ҳай, Ватаним!**

**Рустам МУСУРМОН**

**Киндик қонимиз тўкилган тупроқ — Ватан. Ватани бор кишининг бағри бутун, кўнгли хотиржам. Чунки Ватан суянган тоғинг, ишончинг, оринг, ғуруринг. Ер тафтини, унинг тупроғида гуллаб-ўсган ҳар бир гиёҳ шивирида Ватан сўзи жарангини ҳис қилган инсон бутун борлиғи билан юртга хизмат қилишни ўзининг бурчи деб билади. Ҳар бир эркагу аёлнинг ҳар кун, ҳар лаҳзаси тадбиркорликка қорилган ҳолда кечади. Бундай оилада улғайган ўғил-қизлар ҳам ибратли келажак қура оладиган инсонлар бўлиб вояга етадилар...**

# ҚОЯГА ЧИҚҚАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАР

Яқинда Қизилтепа туманининг Тошработ қўрғонидаги "Бободўғи" маҳалласида бўлганимизда ана шундай онахонлардан бири билан суҳбатлашиб қолдик. Онахон иссиқхонада гулларининг тагини юмшатаётган экан. Бошига рўмолини танғиган бу истарали момо бизни хушнуд кутиб олди.

— Иссиқхонангиз нақ чаманзорга айланибди-ку, — деймиз қирмизи чиннигуллару бинафшалардан кўз узолмай.

— Меҳнатнинг роҳатидай роҳат йўқ дунёда. Меҳнатни севиб, ғайрат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор — тан саломатлиги, кўнгил роҳати, зеҳннинг ортиши, — дейди Ҳалима ая Муродова. — Шукр, ишлайман деган одамга имкониятлар эшиги очилган замонда яшаяпмиз. Саккиз фарзандимиз бор, тўрт ўғил, тўрт қиз. Турмуш ўртоғим Жўрақул бобо иккимиз томорқадан топган даромадимиз билан фарзандларни ўқитиб, уйли-жойли қилдик.

Ҳеч кимдан кам яшамаяпмиз. Машиналй бўлдик, уй-жойимизни кенгайтирдик. Кексалар ёшлар қилган айрим хатоларини кўрсатса, уларни тўғри йўлга бошласа, барака ана ўша хонадонда бўлади.

Юзларидан нур ёғилиб турган онахон билан ер эъзози, гуллар парвариши ҳақида кўп гаплашдик. Суҳбатимиз орасида Ҳалима аянинг маҳалла ободлигига ҳам ўз ҳиссасини қўшишини, турфа гул кўчатларини қўшниларига ҳам илинишини билиб олдик.

Гўзалликнинг ватани — кўнгил. Ҳаётимизни чиройли қилиш учун, аввало, қалб гўзаллигига эришмоғимиз керак. Чунки ободлик кўнгилдан бошланади. Турмушимиз фаровонлиги йўлида қилаётган ҳар қандай меҳнатимиз, фарзандларимиз тарбиясида, яъни уларда меҳнатсеварлик хислатларини шакллантиришда қўл келади.

Маҳалладан, Ҳалима аянинг обод қўрғонидан қайтар эканман, Юртбошимизнинг "Обод турмушни ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлмиш муҳтарама аёлларимизнинг оила ва жамиятдаги фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди", деган қутлуғ сўзларини эсладим.

* * *

Тошработда яна Шоиста Раҳимова исмли аёл бор. Бу оддий, меҳнаткаш, аёл банкдан кредит олиб, саккиз сотих томорқасининг ярмини иссиқхона қилди. Ярмида қиш фаслида ҳар хил кўчатларни етиштиришни йўлга қўйди ва ўша йилиёқ гул ниҳоллари савдосини йўлга қўйди. Чинни гул дейсизми, петуния, қўнғироқгул, селвея дейсизми, ҳаммаси кўкламда жуда харидоргир бўлар экан. Бундан ташқари, тадбиркор иссиқхонасида помидор етиштирди. Иссиқхонада етиштирилган помидорлар табиий шароитда ўсгандай ширин ва хушхўр. Сабаби, иссиқхонага табиий қуёш нури ҳам кириб туради. Иссиқхона шунга мослаштириб қурилган.

— Баъзан, иссиқхона юмушларидан бўш қолганимда тикувчилик қиламан, — дейди Шоиста опа. — Мактабгача таълим муассасасининг кўрпа-тўшакларини ҳам тикиб бераман. Ана шу хатти-ҳаракатларим туфайли олган кредит пулларни вақтида қайтардим.

Ортга қайтар чоғим опанинг иссиқхонасига яна бир назар ташлайман. Гул ниҳоллари, помидор палаклари баравж ривожланаётганини кўраман. Турмуши бугунгидан-да фаровон бўлишини кўнглимдан ўтказаман. Ахир, халқимиз бежизга қояга чиққан чўққини кўзлар, демайди-да.

* * *

Нуроталик фермер Сурайё Наврўзова кўпинча тонгни қадрдон даласида қарши олади. У бугун ҳам баравж майсаларни кўздан кечираркан, хирмони мўл бўлишини ўйлаб кўнгли тоғдек кўтарилади. Майсалар узра биллурдек товланган шудринг томчиларининг ҳар бирида офтоб жилваланади, тупроқнинг ёқимли ҳиди димоққа урилади.

Асли касби ўқитувчи бўлган нуроталик Сурайё Наврўзова фермерлик ҳаракатига қўшилиб, шу йўлдаги биринчи ишни қирда артезиан қудуғидан сув чиқаришдан бошлади. Ғалла экди, яйлов ташкил қилди. Тоғли жойга сув чиқариб деҳқончилик қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Сурайё опа эса буни уддалади. Сўнг интенсив боғ яратиб, олма дарахти ниҳолларини кўкартирди. Бугунги кунда дарахтларнинг умумий сони уч мингдан ошди.

## Обод манзиллар

"Очил Наврўзов" фермер хўжалигининг Қоратоғ ҳудудидаги 500 гектарлик яйловида, Нурота чорвачилигида янги йўналиш очилди. Ҳар бири юз килограммгача гўшт қиладиган ҳисори қўйлар боқими бошланди.

— Аёл бошингиз билан ҳам деҳқоннинг, ҳам чорвадорнинг ишини қилишга қийналмайсизми, — дейман опанинг келгусидаги режаларига қулоқ тутганча.

— Эпласанг — элакда сув, дейишади. Чорвадан чиққан чиқиндиларни маҳаллий ўғит сифатида экинзорга ишлатаман. Ғалладан қолган хас-хашаклар билан эса чорвани боқаман. Бу борада фарзандларимга суянаман, — дейди у ва яна суҳбатни давом эттиради. — Шу боис мен дастлаб отамга бир ўғилнинг оқибатини кўрсатиш учун бу ишларни бошлагандим. Ростини айтсам, ҳамиша нимадир яратгим, бирор янгилик қилгим келарди. Мамлакатимизда тадбиркору фермерларга шунчалик кенг имконият, шарт-шароитлар яратиб берилаётган бир пайтда нега мен қараб туришим керак, деб ўйладим. Келгусида хориждан "Қизилчўл" зотли сигирларини олиб келишни режалаштираяпман. Фермер хўжалигимизда сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчиман.

Ҳатто бир парча томорқасида ниҳолу кўчатлар ўстириб, қўй боқиб каттагина даромад олаётган, гектарлаб ерга ғалла экиб, боғ яратиб юрт фаровонлигига ҳисса қўшаётган бундай аёллар мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳам кўплаб топилади. Опа-сингилларимиз соғлом фарзанд тарбиясидан тортиб тадбиркорликни эплаётирлар, ҳар бир жабҳада фаоллиги билан жамият равнақига ҳисса қўшмоқдалар. Кўнгилларини гўзалликка Ватан қилган дарёдил инсонлар бор экан, ҳаётимиз ҳамиша файзли ва тароватли, ризқимиз бутундир.

**Салима УМАРОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

**Кибриё ҚАҲҲОРОВА**

# Ҳамнафаслик

Йигирманчи йилларда Абдулла Қаҳҳор бир асарни таржима қилган эканлар. Ўзбекистон Давлат нашриёти шу китобни қайта нашр қилмоқчи бўлиб, Абдулла Қаҳҳорга мурожаат этганда "Ўша йилларда мен рус тилини таталаб ўқиган эдим, шунинг учун бу таржимадан воз кечдим", деб нашриётга расмий равишда ариза берган эдилар. Нашриёт бу асар таржимасини менга топширди. "Эски таржимангизни беринг, фойдаланай!", деб Абдулла Қаҳҳорга ялиндим, лекин бермадилар. "Менинг таржимамдан фойдалансангиз, чайналган овқатни ютгандай бўласиз ва ҳеч қачон сиздан яхши таржимон чиқмайди. Болага ҳам овқатни чайнаб берсангиз, тиши ўсмай, мўрт бўлиб қолади. Таржимон ҳам шунақа. Сиз қўлингиздан келганини қилинг, чиқаролмаган жойларингизни тожикча ифода этиб қўйсангиз ҳам майли, кейин биргалашиб кўрамиз", дедилар.



Абдулла Қаҳҳорнинг талабчанлиги сабаб бўлиб, мен Лев Николаевич Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" эпопеясининг таржимасига журъат этдим.

* * *

Бойлик ва виждон, одатан, бир-бирининг заволи. Ижодкорнинг имони бутун бўлиши керак. Афсуски, бойлик изидан қувиб, истеъдодини ўткинчи ҳавасларга қурбон қилган ижодкорлар ҳам адабиёт тарихида учрайди. Абдулла Қаҳҳор бу масалада ўзларига нисбатан ниҳоятда қаттиққўл эдилар.

Олтмиш йиллик юбилейлари арафасида Ўзбекистон Давлат нашриёти Абдулла Қаҳҳорнинг олти томлик асарларини чоп этмоқчи бўлди. Ўша пайтда "куллиёт" учун юз фоиз қалам ҳақи тўланар, танланган асарларга неча томлигидан қатъи назар, қайта нашр тариқасида ҳақ берилар эди. Абдулла Қаҳҳорни қўярда-қўймай нашриётнинг ўша пайтдаги директори Рамз Бобожон ҳузурига бошлаб бордим.

— Абдулла ака, — деди Рамз Бобожон, — асарларингиз жуда кўп марта босилган, энди қайта нашр учун оладиган пулингизнинг баракаси бўлмайди. Келинг шартномага "куллиёт" деб ёзинг, биз сизга юз фоиз ҳақ тўлайлик.

— Э, нима деяпсиз? — дедилар Абдулла Қаҳҳор ранжиб. — Ҳали дунёдан умидим бор. Пул учун "куллиёт" деб ёзсам, кейинги асарларимни "илова" дейманми?

* * *

Баъзи ёзувчилар ижодий кайфият вужудга келтириш учун жиндай ичиб олади, деб эшитганман. Абдулла Қаҳҳор ёзиш у ёқда турсин, ҳатто бировга дастхат ҳам бермас эдилар. Умуман ёзувчилик иши улар учун ниҳоятда муқаддас эди. "Ёзувчи илҳом келса-келмаса қоғоз қоралаши шарт", дер эдилар. Илҳом келиб қолса ярим кечаси ҳам ўринларидан туриб, кабинетга кириб кетар ё каравот ёнидаги тумбочкада турган ён дафтарга эсларига келган нарсани ёзиб қўяр эдилар.

* * *

Абдулла Қаҳҳор, то асар битгунча, таассуротларингиз бузилади, фикрингизни тўла ифодалай олмайсиз деб, ҳатто парча ўқигани рухсат бермас эдилар. Асар битгач биринчи ўқувчилари мен бўлар эдим. "Қани, бир ўқиб чиқинг, баъзан хотиндан ҳам дуруст маслаҳат чиқади", деб жилмайиб қўлёзмани тутқазардилар. Башарти, менда бирон эътироз, мулоҳаза туғилиб қолса, ҳеч қачон: "Бекор айтибсиз, ўзи дуруст", — деган гапни айтмаганлар...

*("Чорак аср ҳамнафас" китобидан.)*

## Яхшидан боғ...

**Кибриё опа баҳор фаслини соғиниб кутарди. Қишли-қировли кунлардан ўтиб, кўкламни қаршилашнинг севинчи ўзгача-да! Опанинг баҳорга интиқлигига яна бир сабаб бор эди. Бу — дўстлар дийдори! Айни баҳорнинг ўртасида Кибриё опа таваллуд айёмини нишонларди.**

# НУРЛИ ИЗ

Шу боис апрел ойининг ўн тўртинчи кунини нафақат Кибриё опа, балки ижод аҳли, ёру дўстлар интизорлик билан кутишар эди. Қадрдонлар учрашуви, шеърхонлик, қизғин суҳбату қаҳқаҳалар уйғунлигида нишонланган туғилган кун таассуротлари йилларга татирди...

Опа билан қарийб бир йил ҳафтада икки марта Абдулла Қаҳҳор кутубхонасидаги китобларни ўқиб, кейинчалик адиб ижоди асосида Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодига оид янги материаллар асосида номзодлик ишимни ҳимоя қилдим. Адибнинг илк драматик асари "Ташвиш" пиесасини араб хатидан кириллга ўгирганимдан кейин уларнинг синовидан ўтганман.

Дарҳақиқат, Шарқ адабиёти билимдони, қатор таржималари билан ўзбек адабиёти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган етук таржимон Кибриё Қаҳҳорова ҳаёт бўлганида юз ёшни қаршилаган бўлар эди. Яхшилар ўлмайди, яхшилар ёди боқийдир.

Кибриё опа ўз даврининг фаол, илмга чанқоқ қизларидан бўлган. Опа маърифатли отаси Лутфулло маҳдумдан, улкан адиб Айнийдан таълим олган. Зиёли муҳит уни муҳиба қилиб тарбиялаган.

Тақдир Кибриё Қаҳҳоровани йирик ижодкор инсон Абдулла Қаҳҳор билан таништирди. Уларда кўп жиҳатларда ўзаро ўхшашлик ва умумийлик бор эди. Бу ўхшашлик улар ўртасида гўзал унсият уйғотди. Бир-бирларини жуда теран тушунишар, сўз билан англатиб бўлмайдиган нарсаларни қалбан англашар, ҳавас қилса арзийдиган меҳр-муҳаббат билан турмуш қуришган эди. "Чорак аср ҳамнафас" китобида опа бу ҳақида шундай ёзади: "Муҳаббат кишига қанот бағишлайди, деган гап бежиз эмас экан. Муҳаббат мендек эрка ўсган арзанда қизни боғбон қилиб қўйди. Абдулла Қаҳҳор шафтолини жуда яхши кўрар эдилар. Умримда қўлимга токқайчи олмаган бўлсам ҳам, пайванд қилишни ўргандим. Агар бирор жойда чилги шафтолими, нақш олмами ёқиб қолса, албатта, кузда пўстлоғини нам докага ўраб опкелиб, найча пайванд қилар эдим. Бизнинг боғда бир туп шафтоли уч-тўрт хил ҳосил қилар эди".

Чиндан ҳам Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё хонимнинг бир-бирига муҳаббати барчага ўрнак бўлгулик эди. Абдулла Қаҳҳор Кибриё опанинг зеҳни, билимини таржимонликда кўра билди ва уни шу соҳага йўналтирди. "Она боласининг тетапоя бўлиши, мустақил қадам ташлаши учун нечоғлик жон куйдирса, Абдулла Қаҳҳор менинг ўзбек тилини мукаммал ўрганишим, яхши таржимон бўлишим учун шунчалик сабру матонат билан ҳаракат қилганлар", деб эслаганди опа. Талабчанлик Кибриё Қаҳҳоровани ўзбек, форс-тожик ва рус тилларини мукаммал ўрганиш, рус тилидаги асарларни ўзбек тилига ўгириш имконини яратди. Таржимонликда тўпланган тажрибасидан руҳланиб, Лев Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" эпопеяси таржимасига журъат этди. Асарнинг биринчи ва иккинчи жилдини Абдулла Қаҳҳор билан ҳамкорликда ўгирган бўлса, тўртинчи жилдини ўзи ўзбекчага ағдарди.

Ҳа, ҳар йили Кибриё опани туғилган кун билан қутлаб дўстлари, қадрдонлари сим қоқишар, қўлларида гуллар билан опа ҳузурига ошиқардилар. Уй, ҳовли анвойи гулларга тўлиб кетарди. Опа дастурхон атрофини тўлдириб ўтирган қадрдонларини кўриб, улар суҳбатидан бир олам қувонч туярди. Дўстлар жамолини кўриш адибага чексиз шодлик бағишларди. Бугун эса ўша қувончли онлар хаёл кўзгусида жонланяпти. Овозлар, оҳанглар, ўгитларини қайта эшитаётгандайман. Яхшилар ҳамиша ортида қолдирган яхшиликлари ила боқийдир. Улардан қолган из нурли ва мунаввардир.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**филология фанлар номзоди**

# ШОИРНИНГ ЎЧМАС ЧИРОҒИ

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Андижон вилоятининг Марҳамат, Шаҳрихон ва бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтди. Шоир ва адиблар, ижодкорлар Қорақўрғон қишлоғидаги шоир ўсиб-улғайган хонадонда ва у таҳсил олган мактабда бўлишиб, "Муҳаммад Юсуф ҳамиша барҳаёт", деб номланган иншо ва мақолалар танловлари, тасвирий санъат кўргазмасида иштирок этишди.

Тумандаги "Турон" ўқув марказида хотира хиёбони ва шоир музейининг очилиш маросими ўтказилди. Шу муносабат билан ташкил этилган шеърият байрамида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар сўзга чиқиб, Муҳаммад Юсуф ижоди ҳақида сўз юритдилар. Шоир шеърларидан намуналар ўқилди.

Шаҳрихон туманида бўлиб ўтган "Истеъдод мактаби" республика ёш ижодкорларининг олтинчи семинари минтақавий босқичида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари навқирон ижодкорлари иштирокида мушоиралар ташкил этилди.

Бугун Андижон шаҳридаги Бобур номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб вилоят жамоатчилиги вакиллари иштирокида адабий-бадиий кеча ўтказилади.

# ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ




Бошланиши биринчи саҳифада.

Шу куни Муҳаммад Юсуфнинг "Шарқ" нашриётида чоп этилган "Сайланма" китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Муҳаммад Юсуф ҳаётлигида Бўстон академик лицейидаги ёш ижодкорлар семинарига раҳбарлик қилган, ёшлар билан адабий суҳбатлар ўтказиб, бадиий ижод сирларидан сабоқ берган эди. Унутилмас дамлардан хотира сифатида элликқалъалик шеърият мухлисларининг "Қадим юртга қайтган наволар" номли тўплами дунёга келди. "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган ушбу мажмуада шоирнинг устозлари, замондошлари, Муҳаммад Юсуфнинг назари тушган ёш ижодкорларнинг энг сара шеърлари, шоир ҳақидаги дил сўзлари жамланган. Лицей ўқитувчилари ва талабалари томонидан тайёрланган саҳна лавҳалари, ашула ва рақслар барчага завқ бағишлади. Мушоира, назм ва наво кечалари туманнинг барча касб-ҳунар коллежлари ва мактабларида давом этди.

Анжуман доирасида академик лицей мажлислар залида республика ёш ижодкорлари "Истеъдод мактаби" VI минтақавий семинарининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти босқичи ҳам ўтказилди. Семинар шўъбаларга бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди. Назм йўналиши бўйича Рустам Мусурмон, Назира ас-Салом, Ошиқ Эркин, Абулқосим Ўтапберганов, наср йўналиши бўйича Ўрозбой Абдураҳмонов, Абдумурод Атажонов, Отабек Исмоилов ёш қаламкашлар билан ижодий машғулот олиб бордилар. Бадиий ижод намуналари, қўлёзмалар таҳлил этилди, матн устида ишлаш, ўқиш ва изланиш бўйича зарур маслаҳатлар берилди. Тадбир якунида семинар иштирокчиларига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Тумандаги Археология ва тарих, "Очиқ осмон остида", "Спорт шон-шуҳрати", Отажон Худойшукуров, Ибройим Юсупов музейларига ташриф, "Темур бобо" фермер хўжалиги , "Суҳроб Зоҳид" хусусий корхонаси, "Гулдурсун нафосати" тикувчилик фабрикаси, "Само тулпорлари" от заводи билан танишув анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Бўстон шаҳридаги санъат саройида Ўзбекистон халқ шоири Муҳамад Юсуф ижодига бағишланган тантанали назм ва наво кечаси бўлиб ўтди. Таниқли ижодкорлар Муҳаммад Али, Иқбол Мирзо, Маҳмуд Тоир, Кенгесбой Каримов, Назира ас-Салом, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Айжамал Жўлдасбоева, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси Биҳамдулла Нурабдуллаев ва бошқа ижодкорлар шоир ижодининг адабиётимиздаги ўрни, элу юртга муҳаббат мавзуидаги шеърлари ҳақида фикр юритдилар. Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига доир унутилмас хотиралар эсга олинди. Қорақалпоғистонлик истеъдодли ёш хонандалар ижросидаги ашула ва рақслар тадбирга файз бағишлади.

* * *

Анжуман якунида Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг кўчма йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда уюшма аъзоларининг ижодий фаоллигини ошириш, вилоят бўлимлари фаолиятини яхшилашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда уюшма аъзоларининг келгусидаги ижодий режалари белгилаб олинди.

**Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати.**

# ЁШЛАР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларга бағишланган 144 номдаги адабиёт, рисола ва қўлланмалар мултимедиа асарлари, плакатлар тайёрланиб юртимиз таълим масканларига етказилди.

* * *

Миллий ғоя тарғиботи марказида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда миллий ғоя тарғиботи ишларини изчил йўлга қўйишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ва роли тўғрисида профессор Гулчеҳра Маткаримова ва "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири ўринбосари Омонилла Ризаев маърузалари тингланди. "Маънавий ҳаёт" номли янги журнал нашр қилинаётгани, газета-журналларда маънавий-маърифий мавзуларда турли мақолалар, радио ва телевидение орқали чиқишлар қилингани, бу борадаги ишларнинг қамровидан далолат беради. Тадбир сўнгида маънавий хуружлар, ахборот ва мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш юзасидан ташкил этилаётган конференциялар, ўқув семинарлари савиясини янада ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

**Вазира ИБРОҲИМОВА**

ШУҲРАТ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# УМИД МАНЗИЛИ



## СЕНГА

Мени эсла, ташвиш тушса бошингга,
Мени эсла, оғу томса ошингга;
Мени эсла, гар адашсанг йўлингдан,
Мени эсла, бахтинг учса қўлингдан;
Мени эсла, гар эшитсанг шум хабар,
Гар олдингда турса олис, зўр сафар.
Мени эсла, дўстинг ташлаб кетганда,
Номардлардан меҳру шафқат кутганда;
Лаббай, дея мен қошингга борурман,
Елка тутиб, ёнгинангда турурман.
Йўлда йўлдош,
Ишда қўлдош бўлурман,
Оғир юкинг бир томонин олурман!
Қўзғалмасман яхши кунинг келгунча,
Яхшилигин амин бўлиб билгунча!
Лекин...
Яхши кунлар эсламасанг, майлига,
Ойдин тунлар эсламасанг, майлига.
Майли, айтма, ҳатто орзу-тўйингга,
Ойда бир бор келмай эсу ўйингга,
Зарра қадар, ишон, гина қилмасман,
Бу гинани ўзимга эп билмасман.
Сенга меҳрим бирдай бўлур ҳамиша,
Гарчанд кўнглим нозикликда бир шиша!

## ШОИР ОНТИ

Кўп узоқ сафарга чиққан сайёҳдай,
Ҳар куним уфқида янги жилва бор.
Ҳар куним уфқида порлоқ маёқдай,
Умидим манзили чорлайди бедор!

Илҳомим мевасин тут каби қоқиб,
Оқ қоғоз бетига теролсам кошки!
Кошкийди қалбимни Данкодек ёқиб,
Илк сафда мардона боролсам кошки!

Эй, халқим, сен менинг вужудим, ақлим,
Меҳрингсиз бир одим, бил, отолмайман.
Гар сени миннатдор қилмасам, халқим,
Ҳаттоки қабримда тинч ётолмайман.

## СЕВГИМДА ЁН ДЕЙСАН

Севгингни сен мендан азиз тутасан,
Севгимда ён дейсан умринг борича.
Хўп, ёнай! Яна сен нима кутасан?
Айт, борми ўзингда шафқатдан пича?

Майли, мен ёнайин севгинг ўтида,
Кўкларга соврилиб кетсин кулларим!
Сен ўтган кўчанинг йироқ четида,
Чанг босиб, қовжираб сўлсин гулларим.

Шундан сўнг, айт эркам, сенга бағишлаб
Ким шеърлар ёзади мен каби ёниб!
Ким сени ҳар куни тонгдан олқишлаб,
Йўлингни кутади гул билан толиб?

## ТО ТИРИК ЭКАНСАН...

То тирик экансан: кураш, ишла, ён!
То тирик экансан: сев, севил, қувон!
То тирик экансан: изла, қидир, топ!
То тирик экансан: интил, юксал, чоп!
То тирик экансан одамдай йиғлаб,
Одамдай севиниб, қайғуриб яша!
Севдингми, ёрингни дадил қўлтиқлаб,
Одамли кўчадан одиминг ташла!
Қувонсанг ошкора хандон солиб кул!
Душманинг қаддини бешафқат букиб,
Дўстингга тута бил даста-даста гул!
Дўстларинг қўл сиқиб нурга чўмганда
Қалб тафтинг кафтида ловиллаб қолсин.
Вақт етиб кўзингни мангу юмганда
Сен юрган кўчалар ҳувиллаб қолсин!

## БУ СЎҚМОҚ МЕНИКИ...

Бу сўқмоқ меники,
ўзим очганман.
Ўзимга жуда ҳам маъқул ва манзур.
Ҳар онни бу йўлда қулочлаганман,
Қаршимда қуёшим сочиб турган нур.

Мен шундан чиқаман катта кўчага,
Аминман бир куни бўлур катта йўл.
Нур тўкиб ёнади чироқ кечага,
Одамлар кезади қўлга бериб қўл.

Ҳозирча бу сўқмоқ,
фақат бир ўзим
Қийналиб-қийналиб ўтиб бораман.
Уфққа қадалган синовчан кўзим,
Имоним байроқдек тутиб бораман.

Ҳар катта йўлни ҳам қачондир биров
Илк марта қадамлаб ўтгандир яёв...

## БАХТНИНГ РАНГИ

Бахт рангини билсайди одам
Уни дарров таниб оларди,
Ё шарпасин сезса, ўша дам
Орқасидан отин соларди.

Яхшиямки, ранги йўқ аниқ,
Турли рангда келиши мумкин.
Уни фақат қалби пок, ёниқ,
Содиқ киши кўриши мумкин!

### Тирик сатрлар

## ВАТАН ҚАРЗИ

Ер қазисанг, чуқур қази,
Учсанг, юксакларга уч.
Юрсанг, йўлни олис кўзла,
Қучсанг нурли уфқ қуч!

Токи сени билган одам
Десин: — Мағрур яшади!
Қай томонга қўйса қадам,
Ишонч билан ташлади!

Ишончидан тутди байроқ,
Муҳаббатни улуғлаб.
Ҳамон уни яқин-йироқ
Турар севиб, сўроқлаб!

Сўроқлашга арзийди у,
Арзигудек яшади.
Доим элдан қарз эди у,
Шуни қалби хушлади!

О, муқаддас Ватан қарзи,
Эл-юрт қарзи, дўст қарзи!
Сенинг қарзинг узмоқ ўзи
Ҳар юракнинг бир фарзи!

## ТЎРТЛИКЛАР

Болари ибратдир яшашга, бироқ,
Болари сингари кезма боғма-боғ.
Сен ўзинг боғ ярат, токи дўсту ёр,
Боғингниаридек қилсин ихтиёр.

* * *

Инсофдан кўчат эк, кўкарса агар
Меваси ҳақиқат, ростгўйлик бўлур.
Дунёда ғам-ғусса, адоват тугар,
Ҳар умид косаси шодликка тўлар.

* * *

Мажнунтолнинг соясида
Қолган эди ёшлигим.
Излаб борсам куз кезида
Тополмадим. Олган ким?

* * *

Тириклик гулини кўксимга босиб,
Нурига чулғаниб ўтди ҳаётим.
Шу йўлим кимгаки қиларкан насиб,
Кенг ёзсин уфққа мағрур қанотин!

* * *

Сабабсиз бир тола соч бошдан учмас,
Куз келмай гала қуш боғлардан кўчмас.
Сен ўтган умрингга ўкинма, ёнма,
Гар ҳалол яшадинг — диллардан ўчмас!

# БОБОМНИНГ ҲИКМАТИ

### Шингил ҳикоя

Ҳаётнинг топишмоғини ҳар ким ўзича ечади. Ер юзида қанча одам бўлса, шунча ҳаёт ва шунга яраша ҳикмати бор. Бобом бир сўзни кўп айтарди: От минган ҳам йўл сўрайдими?...

Бир сафар, унда бола эдик, момом мен билан амакимнинг ўғлини ёнига чақириб майиз, қанд-курс берарկан, шундай деди:

— Кеча бобонгни хафа қилиб қўйдим. Бечора тонггача йиғлаб чиқди. Эрталаб ҳеч бало емади. Бориб қаранглар-чи, қаёқларга ғойиб бўлдийкан.

Биз югуриб кетамиз. Кўчада, Сафар бобонинг уйи олдида суҳбатлашиб ўтиришган экан.

— Бобо кеча йиғладингизми? — дедик. Бобомнинг жавобини кутмасдан яна гапирдик. — Момом айтди, эрталабдан қаёққадир ғойиб бўлган экансиз...

Ўшанда бобом бизга пул бериб шундай дегандилар:

— Бориб сақич олиб чайнанглар, зора оғизларинг бир оз ёпилса. Ҳа, кейин момонгга айтгин, ўладиган ахмоғи йўқ. Устига яна битта кампир олмасам, юрган эканман.

Кейин нима бўлди денг... Ўша оқшом бобом билан момом яраш оши қилишди.

— Сизларни соғинсам, кампиримга бир икки-мушт тушириб қўяман. Албатта, кўзга ташланмайдиган жойига. Шундай қилмасам, биттанг хабар олмайсанлар, — деганди бобом.

Момом унга жавобан:

— Сизларни ўйлаб ярашдим... бўлмаса...

Эрталаб шаҳарга қайтаётгандим, момом яна қурт, туршак, қанд-курс берди.

— Бобонг кеча яна йиғлаб чиқди...

— Ҳалиям-а?..

Момом бошини эгди. Кўзидан икки томчи ёш юзига думалади.

— Тушундим. Ҳозир...

Кўчада бобомни учратдим...

— Кеча яна йиғлабсиз...

— Ма, яхши кўрган қизингта сақич олиб бер...

Бобом бир сиқим пул узатди. У гапиришга оғиз жуфтлаган эдики, маҳкам қучоқлаб олдим...

— Бобо, сизни яхши кўраман...

Биз катта кўчада узоқ суҳбатлашиб қолдик.

— Бундан анча йил бурун, онам оламдан ўтганида, кўниколмай бағримни ерга бериб ётганман. Ўшанда шу момонг бошимни кўксига олиб, онамдай менга эртаклар айтиб берган. Бугун ёшим бир жойга бориб шуларни ўйлар эканман, момонгни умри узоқ бўлсин, деб тангридан сўрайман, болам. Бизнинг урушишимиз, аслида меҳримиздан нишона. Биз мана шундай, урушиб, ярашиб эллик йил яшаб қўйдик. Агар билсанг ғиди-пиди қиб турмасак, урушмасак, худди бир-биримиздан кўнглимиз совугандек бўлиб қоламиз... Биз шунақамиз, болам...

Ўйлаб кўрсам, уларнинг ўзига хос турмуш ўйинлари бор экан. Биз ўзимиз билмаган ҳолда ўша ўйинлар таъсирида улғайдик. Ва бу ўйинлар яшашимиз керак бўлган ҳаётда асқотиши шубҳасиз. Ахир «От минган ҳам йўл сўрайдими», деган бобомнинг бу ҳикмати энди менга сир эмас. Йўлни сен топмасанг — от топади. Тўғрироғи, ҳикмат сенга йўл кўрсатади. Йигитга от қанча керак бўлса, ҳикмат ҳам шунча даркор.

Ўйинни фақат болалар ўйнамайди. Ҳар бир инсоннинг ўз ўйини бўлади, худди кўзи, қулоғи бўлгани каби. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Майли, нима бўлса бўлсин, фақат бобо-момоларимиз омон бўлсин ва уларни яраштириб қўядиган набиралар ҳам.

**Санжар ТУРСУНОВ**

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири

# ҚАНДАЙ ТОТЛИ БУ БАХТ, БУ САФО



## Дарахтлар

Бардошингиз учун қуллуқ, дарахтлар!
Бир жойда кўкариб, ёйдингиз қулоч.
Чидадингиз бўрон қутурган вақтлар,
Қаҳратон қаҳрида юпун, яланғоч.

Челаклаб сув урди кузги булутлар,
Қора совуқ тиғлаб бағрингиз ёрди.
Баъзан пойингизга туташди ўтлар,
Гоҳ бошингиз чақмоқ уриб юборди...

Сиз ўсавердингиз қатъий ва ўжар,
Юксалавердингиз матонат билан.
Кўксингиз ўйса ҳам дурадгор қушлар,
Ризқингиз қийса ҳам чирмовиқ — илон.

Қаноат қилдингиз йил келса қурғоқ,
Япроқлар мушт бўлиб тугилди қатор.
Танангизни қучиб боссалар қулоқ
Жаннат ариғининг шовурлари бор.

Мевалар тўкасиз дастурхонларга,
Тозалаб берасиз аччиқ ҳавони.
Суяниб сиздайин қадрдонларга
Ўйлайман бетайин, саёқ дунёни.

Пўстлоғингиз силаб томиримда нур,
Қўшиғингизда бор хушбўй дараклар.
Борингизга шукр, Сизга ташаккур,
Ватандош дарахтлар, юртдош дарахтлар!

## Табассум

Қандай тотли бу бахт, бу сафо!
Бошда сочар бошдан зар севги.
Ёз тонгидек тоза, мусаффо
Табассумдан бошланар севги.

Томирингта қоришар зиё,
Нари кетар ёмонлик, риё.
Қиз тўхтайди. Қарайди қиё...
Табассумдан бошланар севги.

Бирдан ўпканг тўлиб кетади,
Тушунганлар кулиб кетади.
Ҳамма яхши бўлиб кетади,
Табассумдан бошланар севги.

Айланасан хаёл боғида,
Қийналасан ҳижрон доғида,
Қўшиқ айтгинг келар гоҳида,
Табассумдан бошланар севги.

Ким билади қиз бола сирин,
Юрагингга ташлар кўз қирин,
Минг ваъда, минг ҳийла яширин
Табассумдан бошланар севги.

Қандай ширин бу бахт, бу сафо!
Шундай аччиқ бу дард, бу жафо.
Кўзёш билан тугайди, аммо —
Табассумдан бошланар севги.

## Коса

*Нукусдаги Савицкий музейида коса учун теридан тикилган ғилоф бор.*

Бир тери ичида неча бор озиб,
Неча бор семирар ушоқ мол, дерлар.
Ултонда аввал ҳам тузбўрон тўзиб,
Яна лим-лим тўлган Кўк Орол дерлар.

Умидим бор Тангрим марҳаматидан,
Қардошим хўрсинса кўзим тўла ёш.
У ҳам бовурим деб тушиб отидан,
Чинни косасида тутар гўжа ош.

Оёғим тагида кулдиргичим бор,
Битта жойни босиб туролмайман ҳеч.
Ахир, йўлларимда Хива интизор,
Ўшдаман саҳарда, Мўйноқдаман кеч.

Қўшиқлар тўқийман оғир ва қувноқ,
Жон бериб тинглайман эл баётини.
Сафарда топганман, дўст қорақалпоқ,
Кўнгил косасининг эҳтиётини.

Устюрт чўлларида юрагим куйган
(Кўй юнгин жингала қилар бу офтоб).
Сарвиноз, қимизми, қимрондан қуйгин,
Юрагим буғланиб кетади шу тоб!

Кўнгил кўнгилдан сув ичса қонажак,
Жонон коса бердим сенга, жонона.
Ажинийз бўлиб сочайин чечак,
Розиман, қўлингда тўлсин паймона!

Тўнкариб қўйилган коса — ўтов бор,
Қўбиз бор, чанқовуз, шу-да чанғароқ.
Ўртада муҳаббат ёққан олов бор,
Тутуни йўқ ҳисоб, чўғи ярқироқ.

Терисига сиғмас дийдордан ўзбек,
Фироққа тополмас айни дам бардош.
Дўппимни қўйнимда сақлаганимдек
Қора қалпоғингни асрагил, қардош!

## Муқбил ва «мухбир»

Булар жуда жиддий — қошлари тугун,
Сопқонда сўз отиб, йиқиб турибди.
Муқбил тошотарлар ўрнига бугун
«Мухбир» тошотарлар чиқиб турибди.

Муқбил тошотар тош отарди ёвга,
Ҳақсизликни кўрса қилмасди тоқат.
«Мухбир» тошотар тош отмас бировга,
Пойлаб ўзиникин ургайдир фақат.

Кўкрак кериб, мағрур юрарди Муқбил,
Ким кўрган йигитнинг чекинганини?
Отини, зотини яширар «Мухбир»,
Кўринг, интернетга бекинганини!

Шармандага кенгдир бугун интернет,
Сичқончани кўрсанг сиқилар юрак.
Отасин қарғишин олган бу сурбет,
Худонинг ургани шу бўлса керак!

## Ўхшайди

*Қайда бўлсанг сен билан*
*Севгим яшар, ёр-ёр...*
*Муҳаммад Юсуф*

Қизлар айтган ёр-ёрда
Армон борга ўхшайди.
"Висол оқшоми"да ҳам
Ҳижрон борга ўхшайди.

Келинчакнинг боши хам,
Кўзи намга ўхшайди.
Йиғлаб-йиғлаб сўнгги дам
Кўникканга ўхшайди.

Дугонаси недандир
Хабардорга ўхшайди.
Изтиробга, ташвишга
Сабаб борга ўхшайди.

Куёвбола паришон,
Майли йўққа ўхшайди.
Мажнун бору ёнида
Лайли йўққа ўхшайди.

Келин-куёв кўнгилсиз,
Дили ғашга ўхшайди.
Севгисиз ҳаёт, эсиз,
Тузсиз ошга ўхшайди!

Менинг хаёлим бузган
Аламимга ўхшайди.
Келин менга хат ёзган
Аллакимга ўхшайди.

## Муносиб

Гулгун гулчеҳраларга гулзор муносиб,
Наргис қатори сенга, эй ёр, муносиб.
Гулни гулга қўшсанг гулдаста бўлгай,
Диловар йигитларга дилдор муносиб.

Қоятошга қад кериб сор қўнса, ҳай-ҳай,
Арчанинг кўк тўнига қор қўнса, ҳай-ҳай,
Кулбамизга бир ишқи бор қўнса, ҳай-ҳай,
Бизнинг даврага авжи баҳор муносиб.

Қирмиз гулбаргга мовий шабнам ярашгай,
Гулоб базмига латиф ҳамдам ярашгай,
Тўнкарилган косага шам ҳам ярашгай,
Дўсту ёрларга олқиш, алёр муносиб.

Узмай шароб тутиб турсанг инсонга
Беш кунлик бу ҳаёт тегарми жонга?
Ҳасадга, туҳматга, дардга, ҳижронга
"Йўқ!" "Асло!" "Ҳеч қачон!" "Зинҳор!" муносиб.

Қўлда мудом кўза ё қадаҳ бўлса,
Майи ноб қалқиниб ёқа доғ бўлса,
Бармоқлар шилинса ё қадоқ бўлса,
Малҳамга кўзлари хумор муносиб.

Дилдош улфатларим, садақа кетай,
Умр тугамасдан тугамасин май.
Бир алёр тўқидим сиз учун атай,
Шеърим ёқса, қадаҳ такрор муносиб!

## Ботирлар

Юртни мардлар қўриб келаётирлар,
Ватан деса, жони нисор ботирлар.
Баланд-пастни кўриб келаётирлар,
Бургутми ё лочинми, сор ботирлар.

Алпомишга Барчиндек ёр муносиб,
Сизни ўйлаб, қиз юраги потирлар.
Исмингизни юрар тумордек осиб,
Унутмангиз буни зинҳор, ботирлар.

Ботирлар-ов, элнинг сара аскари,
Сиз уйғоқ, эл осойишта ётурлар.
Тангри, ёвнинг юзин қилгин тескари,
Ёв дегани туллак, маккор, ботирлар.

Катта бобом қалам йўнган қиличда,
Найза билан қўшиқ ёзган шоирлар.
Бировга қўл узатмаган илинжда,
Кўмакка қўл берган такрор ботирлар.

Ботирларим толқонни тоғ демаслар,
Тоғни толқон қилишга ҳам қодирлар.
Саболарнинг йўлин тўсган эмаслар,
Бўронларга метин девор ботирлар.

Ўралмаса гулзор пайҳон бўлмасми?
Ўз боғини пулламасми шотирлар?
Кўздан қочирмайлик номард, нокасни,
Улар иблис билан ҳамкор, ботирлар!

Сиз оламдан ҳамиша огоҳ бўлинг!
Кимлар фурсат пойлаб писиб ётурлар.
Эл бахтига омон бўлинг, соғ бўлинг!
Ёнингизда Иқбол ҳам бор ботирлар!

# «ҚУШДАН ИЛДИЗ ОЛДИМ, ҚАНОТНИ ГУЛДАН»

**Саксонинчи йиллар аввалида ижод майдонига кириб келган ёш истеъдод соҳиби Эшқобил Шукур шеърлари асосини ботиний олам манзаралари ташкил этди. Бу олам турфа хил тимсолу тасвирлар, шаклларда намоён бўлса-да, бош мақсад-муддао ўзгармади — кўнгилга қараб эврилиш, ўзликни излаш етакчи мавзу бўлиб қолди.**



Шоир илк ижодий изланишларида устозлардан таъсирланиб, халқ оғзаки ижоди оҳангларидан маънавий озиқ олиб шеърлар битди, бадиий топилмалари, оҳорли ташбеҳлари эътиборга тушди. "Умид кечаси" шундай шеърлардан бири. Муножот руҳида битилган шеърда лирик қаҳрамоннинг ҳаяжони, замондошига, халқига эҳтироми ҳамда озодлик йўлидаги интилишлари акс эттирилган. Шоир ўша давр шеъриятига хос самовий малаклар, муқаддас руҳ, исмсиз даҳо, дардманд сингил, хоин дўст, қизғалдоқ каби поэтик образ ва тимсоллар орқали халқни асрий орзу-умидлар йўлида собит бўлишга чорлайди, уни шарафлайди. Шеърдаги "Тоғларнинг кўксида юрак лоладай", "Осмон ечиб ташлар кўйлакларини", "Армонга айланган тирноғим билан // Юрак пўстлоғига ёзаман достон" каби қалб кечинмасининг поэтиклашган манзаралари шоир иқтидорини намоён этди.

Эшқобил Шукурнинг бу туркумдаги шеърларидан фарқи ўлароқ, халқимизнинг ўзлигини намоён қилувчи нарса-ҳодисаларни поэтик образ ёки тимсол даражасига кўтариб, лирик "мен" руҳияти дардлари билан боғлаб талқин этган "Чанқовуз", "Кўпкари", "Шоли қўриқчиси", "Чимилдиқ" шеърларида миллий удумлар акс этган бўлса, "Кўнглимни тошга ёрдим", "Сочлари сумбул-сумбул", "Шикаста-шикаста" каби халқ оғзаки ижоди оҳангларида битилган шеърлари, "Менгим момонинг йўқлови" марсиясида ҳам шу хусусият бўртиб кўринади. Бу шеърларнинг ўзига хослиги анъанавий бўлмаган ифода ва усулларни қўллашда, поэтик образ("чанқовуз")ни қалб эврилиши билан боғлаб талқин эта билишдадир.

**Тилим тийилди менинг,**
**сўзим қийилди менинг,**
**Пўлат тил топиб олдим,**
**ҳаво сўз топиб олдим.**

Чанқовузнинг пўлат тил, ҳаво сўзга ўхшатилишида, албатта, ботиний маъно яширин. Лекин унинг зоҳирий маъносида ҳам топқирлиқ бор. Чанқовузнинг чалинишида тил ва ҳавонинг иштироки бу ўхшашлик маъносини поэтиклаштиришга хизмат қилиши билан ибратли. Бу — шоирнинг бошқаларникига ўхшамаган поэтик топилдиғи, кашфиёти. Шеърда ҳар бир байтдан кейин такрорланиб келадиган нақоратда биргина сўзнинг алмашиши дарднинг кўламини, руҳнинг мавжини, энг муҳими, поэтик мазмуннинг кўламдорлигини ифодалашга хизмат қилган. "Кўпкари", "Менгим момо йўқлови" каби асарларида ҳам шоир мазмунга мос ифода, оҳанг ва тасвирни беролган. Кўпкари чавандоздан жасорат, уддабуронлик, шавқ ва тезкорликни талаб этадиган удум. Шеър оҳангида айни жиҳатлар мужассам:

**"Ҳайт!" — деди, улоқ кетди,**
**Ўртада табоқ кетди.**

"Менгим момо йўқлови" шеъри эса ота-юрт, Ватан соғинчи ҳақида. Шўро тўнтариши даврида душманлардан қочиб хорижга кетишга мажбур бўлган Менгим момо киндик қони тўкилган юртга қайтолмай, армон азобида қовурилади. Шеърда шунчаки юрт соғинчини тасвирлаш мақсад қилинмаган, балки соғинч деган дарднинг кўзёшлардай қуйилиб, мисрама-мисра, бандма-банд тобора кучайиб, авж пардада юрак билан бирикиб кетишини кўрамиз: "Гўрим ўз юрагимда// Юракда бордир Ватан. Қишлоқдан кийиб келган// Кўйлагим бўлсин кафан".

Шунга кўра шоирнинг аксарият шеърларидаги етакчи поэтик образ лирик қаҳрамоннинг ботиний олами, кўнгилдир, десак янглишмаймиз. Ҳар бир шеърда кўнгилнинг ўзига хос қирралари намоён бўлади. Уларнинг номланиши турлича: кўнгил, дил, юрак ва ҳоказо. Бу поэтик образ ва тимсолларнинг ифода шакли турли-туман, улар сифатлашлару ташбеҳларга ниҳоятда бойдир. Эшқобил Шукур шеъриятидаги образ ва тимсолларнинг ифода кўламини тасаввур этиш учун унинг бутун ижоди билан таниш бўлиш лозим. Шоир кўнгил манзараларини турли поэтик ҳолатларда тасвирлайди. Анъанавий поэтик манзара ва ифодалар билан кутилмаган, ноанъанавий тасвирлар ўзаро бирикиб, уйғунлашиб кетади. Бироқ бу ифодаларда сохталик, зўракилик йўқ. Уларда худди тоғдан қуйига тошдан-тошга урилиб елаётган сувнинг шиддати-ю ўзига хос табиий мусиқасини ҳис этгандай бўласиз. Тасвирдаги шиддат ва мусиқавий оҳанг — Эшқобил Шукур шеъриятининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Шунга кўра шоир шеърларида қўлланган поэтик сўз ва ташбеҳлар кўповозли, олмосдай товланувчан. Уларда камалак жилосини кўрасиз. Поэтик мазмун турфа хил: гоҳ реал, гоҳ тимсолий, баъзан ошкор, баъзида пинҳона, ҳам дардчил ва ҳам сурурли. Лекин уларнинг барчасини битта маҳражда бирлаштириб турадиган асос – бу Эшқобил Шукур "мен"и. Унинг кўнгил кўчасидир.

Шоир шеърларида кўнгилнинг хилма-хил сувратлари чизилган. Бу сувратлар баъзан ҳиссиёт ва фикр уйғунлигида келса, баъзан тасаввур ҳаётий мантиқни, реал воқеликни ўзига сингдирган бўлади. Шоирнинг "Ёлғизлик..." шеърини ўқир экансиз, дафъатан кўз олдингизга муаллақ чайқалиб турган юрак намоён бўлади.

Шеърдаги "Сен" ва "Мен" поэтик образларини турлича талқин қилиш мумкин. "Мен" ва "Сен" кўнгилнинг ботиний ва зоҳирий олами. Шоир ушбу поэтик образларнинг ўзаро муносабати орқали юзага келаётган қалб кечинмасининг ўзига хос тасвирини чизади. Шоирнинг маҳорати шундаки, шеърдаги поэтик образларнинг хатти-ҳаракатлари ҳаётий, реал воқелик сифатида жонлантирилади. "Сен"ни зоҳирий олам сифатида ҳам талқин этиш мумкин. У ижтимоий воқелик, севикли ёр, садоқатли дўст ҳам бўлиши мумкин. Гап унинг ким ёки нималигида эмас, балки ботинга кўрсатаётган таъсирида, "Мен"да ҳосил бўлаётган кечинманинг даражасида.

Хуллас, шоирнинг ўзи эътироф этганидек: "Юрагим ўзимдан бўшаган сари // Тўлиб бораверар юрагим". Ана шу тўлиб бораётган юрак мавжлари Эшқобил Шукур шеъриятининг асосий мазмуни, десак янглишмаймиз. Шеърларида кўнгилнинг поэтик суратини чизар экан, шоир ўзига хос ифода усули – мулоқот шаклидан моҳирлик билан фойдаланади: гўё юрагини шундоқ ёнига қўйиб, у билан дардлашаётгандек тасаввур пайдо бўлади. Бу мулоқот турли шаклда келади: бирида дарахт тимсолида олис болалик хотиралари эсланса, бирида гулдираб ишлашини орзу қилган тегирмон тимсолида.

Эшқобил Шукур шеъриятига хос яна бир хусусият уларда шоир шахсининг фаол иштирокида кузатилади. Бу фаоллик баъзан лирик "Мен" билан уйғун тарзда келса, баъзан "Мен"дан ташқарида "Эшқобил Шукур" образида келади. Бу хусусиятни "Тўққизинчи феврал", "Сеҳр", "Бунга бир йилдан сўнг..." каби шеърларида кўришимиз мумкин.

## Нигоҳ

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий таваллуд топган кунга атаб ёзилган "Тўққизинчи феврал" шеърида шоирнинг ватанпарварлик позицияси юқори пардаларда ифода этилган. Шеър онага мурожаат тарзида битилган. Шеърнинг ҳар бир бандида шоирнинг муносабати аниқ-тиниқ акс этган.

**Мен эртага ўламан, она.**
**Агар, сен бу кеча бошимда**
**Ўзбек тилидаги қўшиқларни**
**айтиб турмасанг.**

Шу тариқа фаол муносабатдаги лирик қаҳрамон шеърнинг кейинги бандларида ҳам она, Ватан ва миллат тақдирига дахлдор эзгу тилакларни баён этади, яъни оналаримиз буюк шоирларни дунёга келтириши, бахшилар "Алпомиш" достонини тонггача куйлаши, дарахтда қушлар "Лисон ут-тайр"ни такрорлаши...

Шеър якунида эзгу тилаклари ижобат бўлади: келинлар буюк шоирларни туғади; бахшилар "Алпомиш"ни тонггача куйлайдилар; дарахтларнинг шохларида қушлар Навоий тилидан сайрайдилар. "Мен ҳеч қачон ўлмайман, Она!" сатрида эса, шоир "мен"и умумлашма образ — Ватан ва миллат тимсолига айланаётир.

"Сеҳр" шеърида ҳам шоир шахси бўртиб кўринади. Шеърда шоир "Мен"идаги эврилиш – кўнгилга шеър сурурининг қуюлиши, шоирлик қисматининг қарор топиши ифодаланган. Бу шеърнинг ҳар тўрт мисраси охирида такрорланиб келадиган "Эшқобил эмасман энди мен" деган иқрорда акс этади. Шоир ўзликдаги бу ўзгаришларга сабаб бўлган омилларни сеҳр дея атайди. Хўш, бу қудратли сеҳр нима: бу — шоир шеърларида бот-бот такрорланадиган "сен" ва "мен" – зоҳир ва ботин аро кечадиган муносабатнинг янгиланиши. "Сен"даги ўзгариш "Мен"нинг тилини олтин балиқчага айлантиради, кўзларининг топилдиғида янгиланаётган Эшқобилни суратлантиради...

**Кеча дилдан қолди, қолдия тилдан,**
**Нафас торларимда ухлаётган Сен.**
**Қушдан илдиз олдим, қанотни гулдан,**
**Эшқобил эмасман энди мен.**

"Бунга бир йилдан сўнг..." деб бошланувчи шеърда ҳам компонентларни бирлаштириб турувчи етакчи поэтик образ "Эшқобил". Шеърнинг ҳар бир эпизоди(тўртлиги)да гуллар бир йилдан кейин, бева шамоллар ўн йил, турналар эса юз йилдан сўнг Эшқобилни сўроқлаб келишади. Ва бир хил жавобни "Эшқобил уйда йўқ" "...Ерда йўқ", "...Кўкда йўқ" деган жавобни олишади.

**Бу ўтар дунёда минг йил ҳам ўтар,**
**Келарсан... Ер-Осмон ботади терга,**
**Шунда кесаклардан ўт чиқиб кетар.**
**"Эшқобил шу ерда!"**

Шоир шеърда абадиятга дахлдор ижодкор қисматини шу тариқа поэтиклаштиради, унга "Эшқобил" образини фаол аралаштириб, жозиба ва оригиналлик бахш этади, фалсафий мазмун билан бойитади.

Албатта, бир мақола доирасида шоир ижодининг барча қирраларини қамраб олиш қийин. Эшқобил Шукурнинг мумтоз адабиёт анъаналаридан таъсирланиб битган туркумлари, фалсафий шеърлари, истиқлол даврида чоп этилган асарларида поэтик маҳорати юксалиб, қалб кўзининг очилгани унинг ижодига алоҳида жозиба бахш этади. Хусусан, "Кўз юмиб кўрганларим" шеърлар китобининг "Йилнинг энг яхши шеърий тўплами" номинацияси бўйича ўтказилган танловда ғолиб бўлгани ҳам фикримизга бир далилдир.

**Курдош ҚАҲРАМОНОВ,**
**филология фанлари доктори**

## Журналларни варақлаганда



## "ЁШЛИК"

*2014 йил, 3-сон*

Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева инсон йўлларини нурли чироқдай доимо ёритиб турадиган болалик хотираларидан сўз очаркан "Адиб хонадонида" рукнида берилган "Йўлимдаги чироқлар" сарлавҳали дил изҳорида ёзади: "Ёзда юлдузлар сайрини томоша қилиб ҳовлимиздаги баланд супада ухлардик. Ойнинг ёруғида алламаҳалгача китоб ўқирдим. Эртаклардаги қаҳрамонларим қисмати юрагимга ҳам азоб, ҳам фахр соларди...". Муаллифнинг устозлари, адабиёт, ижод борасидаги ўй-фикрлари, "Тириклик бу тансиқ байрамдир" деб номланган янги шеърлар туркуми билан ҳам журналнинг шу сонида танишасиз.

Қўчқор Норқобилнинг "Заминдан олис кетма" номли драмаси, Гулчеҳра Асронова, Рисолат Ҳайдарова ҳикоялари, Ибодат Ражабова, Умида Абдуазимова ва яна шеъриятимизнинг навқирон авлод вакилларининг кўклам сурури таранним этилган шеърлари мутолааси ҳаёт, инсоний қадр-қиммат, инсоф ва диёнат ҳақида мушоҳада юритишга, баҳор илҳомларидан дилингизни сарафроз этишга туртки беради.

Таниқли шоир Муҳаммад Юсуф ҳақидаги Собир Ўнар ёдномаси, адабиётшунослар Адҳамбек Алимбековнинг атоқли шоир Иброҳим Юсупов шеърияти, Азмиддин Носировнинг "Улуғбек хазинаси" романи таҳлилига бағишланган тадқиқотлари, Зулфия Қуролбой қизининг "Мушоҳада" рукнидаги саволларга жавоблари журналнинг ушбу сон мундарижасини бойитган.

Шунингдек, ушбу сонда Нобел мукофоти совриндори Алис Мунронинг "Юз" номли ҳикоясини (инглиз тилидан М.Отамуродова таржимаси), Аҳтамқулининг "Ажиб дамлар экан болалик" сарлавҳали публицистик мақоласини, "Биринчи учрашув" рукнида ёш ёзувчи Санжар Турсуновнинг "Оқ овулнинг озодаси" номли ҳикоясини ўқийсиз.

# МУШТАРАК УЧЛИК

**Агар фикр қилинса, ҳар бир ҳодисанинг замирида сон тушунчаси мавжудлигини пайқаш қийин эмас. Пифагорга нисбатан бериладиган «бутун олам яхлитлигича сон ва гармониядир», деган гап айни ҳақиқат. Донишманд яна шундай деган: "Ҳамма нарса сонга эга ва барча сонлар ўртасида муносабат (логос) мавжуд".**

Типологик тадқиқотлар замирида ҳам сон мавжуд. Зотан, қиёслаш натижасида юзага чиқадиган ўхшаш ва муштарак жиҳатлар асосан икки ҳодиса ўртасида кечадиган жараёнлардан аниқланади. Шу сабаб "2" қиёснинг илк сони дейиш мумкин. Зеро, икки сони типологик тадқиқотларда етакчилик қилади. Бу адабиётшуносликда бинар типология дейилади. Бунда жиддий мантиқ ҳам бор. Негаки, агар иккидан ортиқ ҳодиса солиштириладиган бўлса қиёсдаги маъно ипини қатъий тизгинда тутиб туриш анча қийин кечади. Лекин агар ушбу муқаррар қийинчилик енгиб ўтилса, иккидан ортиқ ҳодиса ўртасидаги типологик муштаракликни ўрганиш ҳам муайян афзалликка, илмий қимматга эга эканлиги маълум бўлади. Биз ушбу мақолада учлик типологияни оламиз ҳамда қиёсланаётган иккилик ёнига учинчи ҳодисанинг қўшилиши икки ҳодиса қиёсида мавжуд бўлмаган, фақат учлик қиёси натижасида туғиладиган маъно ва қонуниятларга гувоҳ бўламиз.

Қадимги юнон мутафаккири, буюк файласуф Афлотуннинг «Астерга» номли машҳур қўшмисраси бор:

**Юлдузларга боқасан юлдузим. Осмон бўлгим келар,**
**Лак-лак кўз ила боқмоқ учун сенга маҳлиё.**

*(Рус тилидан таржима бизники — **С.М.**)*

Гап шундаки, «астер» сўзи юнонча «юлдуз» дегани ва ушбу лисоний фактга таяниб шеър, бадиий асар яратилган. Биз буни билганимиздан кейин «юлдузларга боқасан, юлдузим...» сўзларининг маъноси янада аниқлашади. Сиртдан қараганда, оддий манзара, шунчаки бир хитобдек туюладиган қўшмисра аслида мураккаб архитектоникага эга бадиий асар экани маълум бўлади. Шеър бир кема, аниқроғи, тўрт ҳолатнинг бирикувидан ёки бошқача айтганда тўрт таркибий қисмдан иборат.

1-ҳолат. Астер, яъни юлдуз юлдузларга боқмоқда. Маъшуқанинг нигоҳи юқорига, осмонга йўналган.

2-ҳолат. Буни кузатаётган лирик «мен»(ошиқ)нинг нигоҳи ҳам осмонга йўналиб, осмонга рашк қилиб, осмон бўлгиси келмоқда. Негаки...

3-ҳолат. Бу ҳолат бевосита матнда йўқ, лекин поэтик хаёлот йўқни бор қилади. Осмон юлдузларга тўла, маъшуқа унга тикилмоқда; лекин юлдузлар осмоннинг кўзлари, улар ҳам ўз навбатида ерга, маъшуқага боқмоқда.

4-ҳолат. «Осмон бўлгим келар...» Поэтик хаёлнинг яшин тезлигидаги ҳаракати билан «мен» (ошиқ) осмонга кўтарилиб ва осмонга эврилиб, унинг лак-лак кўзи, юлдузлар билан заминга, ундаги маъшуқага маҳлиё бўлиб боқади.

Афлотун шеърининг бадиий жозибаси, фалсафаси шундаки, ер, осмон ва бутун коинотни ўз қамровига олади, инсоний севги умумкоинот миқёс касб этади.

Александр Пушкиннинг «Циклоп» номли шеъри бор:

**Язык и ум теряя разом,**
**Гляжу на вас едином глазом:**
**Единый глаз в главе моей.**
**Когда б судьбы того хотели.**
**Когда б имел сто очей,**
**То все бы сто на вас глядели.**

Агар Афлотун учун шеърнинг ёзилишига илк туртки маъшуқанинг исми Астер, яъни юлдуз бўлгани бўлса, Пушкинда бундай туртки Циклопдир. Циклоплар қадимги юнон мифологиясида бир кўзли махлуқлар, Уран ва Геянинг ўғиллари; улар Зевс титанларни ўзига бўйсундириши учун унга яшин-ўқлар тайёрлаб беришади. Уларнинг айрича белгиси — бир кўзлилик.

## Тадқиқот, ахборот

Айни шу нуқтада бу шеър Афлотуннинг йигирма беш асрдан буён яшаб келаётган қўшмисраси билан «топишади». Улар орасидаги типологик кавшар *кўз* ва *қарамоқ*. Лекин ўртадаги фарқ нимада? Фарқ бўлиши муқаррар, зеро, улар мустақил бадиий асарлардир. Фарқ — Афлотунда «лак-лак кўз», Пушкинда — «ягона» кўз. Афлотун «мен»и ерда турганида ҳолда осмондан севгилиси, маъшуқага қарайди, Пушкин «мен»и эса ерда, одамлар орасида. Айтилганидек, муштарак жиҳат — ҳар иккиси ҳам маъшуқага боқади, бири лак-лак, бири ягона кўз билан.

Шу ўринда бир савол туғилади: Афлотун шеъри билан Пушкин таниш бўлганми? Бизнингча таниш бўлган. Асар ўша даврда адабий ва илмий доирада жуда машҳур эди. Масалан, Гегель ўз асарларида бу шеърни (биз билганимиз) икки бор («Эстетика» ва «Фалсафа тарихидан маърузалар» асарларида) келтиради ва кейинги ўринда қўшиб қўяди: «Шундай гўзал фикрларни биз Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» асарида ҳам учратамиз». Лекин биз учун Пушкин Афлотун асаридан таъсирланган ёки таъсирланмагани унча аҳамиятли эмас. Муҳими, бизнинг ихтиёримизда икки типологик муштарак асар мавжуд, вассалом.

Энди Пушкин шеърининг Ҳамид Олимжон она тилимизга санъаткорона ўгирган таржимасига юз бурсак. Шу ерда: мақоладаги учинчи мисол таржима-ку, деган савол туғилиши мумкин. Таржима ҳам типологик қиёсга объект бўлиши мумкинми? Мумкин. Агар таржима ижодий бўлса, ўша мутаржимнинг қалб қўри аралашган бўлса. Атоқли шоиримиз таржимаси айнан шундай:

**Тикиламан кўрганда дарҳол**
**Идрокимни йўқотиб ва лол:**
**Ягона кўз менинг бошимда,**
**Ой юзингиз ёнар қошимда,**
**Агар тақдир кўрмаса малол,**
**Эга бўлса эдим юз кўзга,**
**Бари билан қарардим сизга.**

Ушбу таржиманинг тадқиқотимиз учун биринчи хизмати — Афлотун ва Пушкин шеърларининг типологик қиёсини ўзбек бадиий тафаккур майдонига олиб ўтади ва шундай тадқиқот учун илмий-лисоний макон яратади. Иккинчидан, аввал айтилганидек, таржима ижодий ва юрак қўри билан қилинган. Ўзбекча матн аслият билан солиштириладиган бўлса, у аслиятдан бир мисрага ортиқ экани аён бўлади. Бу ортиқ мисра «Ой юзингиз ёнар қошимда». Айрича аҳамияти боис ушбу мисрага бутун диққатни қаратамиз. Шу маънодаги мисра Пушкин шеърининг сиртида, матнда бўлмаса-да, лекин руҳиятида, ботинида бор. Ҳатто сал муболаға бўлса-да айтиш мумкинки, таржима айрим жиҳатлари билан аслиятдан кучлироқ чиққан.

Таржимада шеърнинг сарлавҳаси тушириб қолдирилган. Шу боис учинчи мисра — «ягона кўз менинг бошимда» ўзбек шеърхонида: нега ягона кўз, деган савол туғилиши тайин. Сарлавҳа ўрнида айрим нашрларда «Пушкиндан» деган сўз қўйилган, биз олган манбада бу ҳам йўқ. Ҳамид Олимжон буни атай қилган бўлиши ҳам мумкин. Савол туғилса туғилар, шеър яралишига оид тафсилотларнинг кераги йўқ. Улар асар сезимига халал беради, қабилида фикр юритган бўлиши ҳам мумкин ҳассос шоир ва таржимон.

Афлотун лирик қаҳрамони маъшуқага аввал ердан осмонга, сўнг осмондан ерга маҳлиё боққанида Пушкин «мен»и ҳам эс-ҳушини йўқотган ҳолда маҳбубасига қарата ўз севги шижоатини намойиш этади. Циклоп, ниқоб ҳақидаги таклиф муқаррар шоирга шеър яратишда туртки берган, шундай таклиф бўлмаса балки шеър умуман ёзилмаган бўларди. Лекин бошқа тарафдан шоирни чеклаган ҳам.

Ўзбек таржимони эса бундай «қўли боғлиқлик»дан озод, ижодий эркин. Аслиятда йўқ қўшимча мисранинг шеърнинг ўзбекча вариантида пайдо бўлиши ушбу эркинлик меваси, шоирона илҳом туҳфаси. Пушкин ўзбек таржимони қўшган мисра маъносидаги гапни айта олмасди, «Ой юзингиз ёнар қошимда» дейиш кибор одобига тўғри келмасди. Юқорида айтилган «сипойи шафқатсизлик»ка аввал бошдан мажбур эди Пушкин. Ўзбекча таржимада, битта қўшимча мисра туфайли шеърга самимий (сипойи эмас) шавқ гўё қайта киргандек бўлади. Биз учун масаланинг муҳим томони шундаки, ҳозир айтилганларга таянсак, айни шу мисра шеърнинг, аниқроғи, унинг ўзбек тилидаги вариантининг (муайян асарнинг бошқа тилдаги тўла-тўкис таржимаси мустақил асар, мустақил ҳодиса дейилишга лойиқ) Афлотун асари билан янада жипсроқ типологик алоқага киришувига имкон яратади.

Яъни Қуёшдан нур олиб ёғду сочувчи самовий жисм — Ой шеър майдонига киради. Тўғри, «ой юзингиз» иборасида аниқ-тиниқ самовий жисм йўқ, лекин шеърий нутқ қониятига кўра муайян ҳолатларда кўчимдаги сўз ўрнида тургани ҳолда мустақил ҳаракатга ҳам эга бўла олади. Ёнаётган фақат «ой юзингиз» эмас, балки ёғду сочиб ёнаётган Ой ҳам. Айни шу Ой маъшуқа юзини нурлантиради, гўзаллаштиради. «Қошимда» мисрада (ва шеърда) макон, ўрин муносабатини англатиб, боз устига маъшуқа шундоққина унинг ёнидалигини, ҳатто жон таркибидалигини ҳиссий сезги билан англатади.

Ушбу омиллар бирлашиб таржимани ва Пушкин шеърини Афлотун асарига қондошлик даражасини орттиради, қўшмисрадаги самовий миқёс шеърга, Пушкиннинг ўзбек тилидаги шеърига кўчиб ўтгандек бўлади. Икки: асардаги «лак-лак кўз» — ягона кўз муносабати ёнига осмон — юлдуз — ой, яъни самовий боғлиқлик қўшилади. Пушкин шеърини тутиб турган устун ягона кўз — юз кўз қарама-қаршилигидир. Шеър хотимасида улар бирикади ва шунда Афлотун — Пушкин — Ҳамид Олимжон қаторида лак-лак кўз — ягона кўз + юз кўз муносабати вужудга келади. Ҳамда «Лак-лак кўз ила боқмоқ учун сенга» маҳлиё» билан "Эга бўлсам эдим юз кўзга, бари билан қарардим сизга» ўртасида типологик қондошлик кузатилиб, ушбу мисралар икки шеър ва бир таржима — уч шеър бирлашиб яхлит ҳолда ҳамиша ғолиб севги қўшиғи каби жаранглайди.

Хулосаларимиз қуйидагича: биринчидан, тринар (учлик) типологияда бинар типологияда кўрилмаган жиҳатлар, муштарakликлар очилиши, ҳатто пайдо бўлиши мумкин. Бу унинг мақсадга мувофиқ илмий усул эканини белгилайди; иккинчидан, уч сонининг сеҳрли қуввати бежиз таъкидланмайди ("Уч, учдан кейин пуч") ва бу қиёсдаги учинчи ҳодисанинг якунловчи хоссасини тайин этади. Зеро, «Ҳиссий нарсалар моҳияти учбурчакдир» (Афлотун); учинчидан, таржима материали айрим ҳолатларда типологик қиёсда мустақил ҳад бўла олади; тўртинчидан, Афлотун — Пушкин — Ҳамид Олимжон номлари ёнма-ён қўйилишининг ўзиёқ ўзбек миллий бадиий тафаккур майдонига ўзга бир ифор олиб киради, деб ўйлаймиз.

**Сувон МЕЛИ**

# “МУНОЖОТ”НИНГ БЕКАСИ

**Дунёда шундай қўшиқлар борки, йиллар ўтгани сари қадр-қиммати ортиб бораверади. Ҳар бир авлод хонандалари унга ўзига хос жило бериб, янгитдан ҳаёт бағишлайди. Албатта, бу ижролар ичида энг мукаммалларигина тингловчилар қалбидан жой олади, мухлислар тилига тушади. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ғазалига бастакор Иномжон Икромов куй басталаган “Муножот” ашуласи ана шундай ўлмас наволардан биридир.**



“Муножот”нинг илк бор радио орқали тарқалганига етмиш йил бўлиб қолди. Бу орада уни қанча хонандалар куйладилар, кўпгина таниқли санъаткорларнинг репертуарини безади бу ашула. Лекин одамлар ҳамон “Муножот”ни унинг биринчи ижрочиси — халқимизнинг севимли ҳофизаси, Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова ижросида тинглашни яхши кўрадилар. Ҳозирги кунда радиофонотеканинг олтин фондидан жой олган Берта Давидова ижросидаги “Муножот” ашуласи яратилган пайтидан буён неча марта янграгани номаълум. Аммо тингловчилар учун у худди илк бор янграётгандек ҳамон қадрли. Чунки бу ашуланинг ҳақиқий бекаси Берта Давидова эди. Шу қўшиқни унинг ижросида эшитиш учун юзлаб-минглаб одамлар концертларга боришар, хонандани тик туриб олқишлашарди. Бундай бахт ҳамма хонандаларга ҳам насиб қилмаган.

Берта опанинг овозида ҳеч кимникига ўхшамаган шира, дард, самимият бор эди. Яна шуниси ҳам борки, ҳар сафар Берта опа ва унга ўхшаган санъаткорларнинг ашулаларини тинглаганда, беихтиёр бу санъатнинг қанчалар кўҳна экани ҳақида ўйга толамиз, фахрланамиз. Бундан анча йиллар олдин у кишининг хонадонларида бўлганимизда “Муножот”нинг яратилиши ҳақида, яна бошқа кўплаб ашулалари, “Шашмақом” ҳақида суҳбатлашгандик. Ўшанда Берта опа санъаткор овози ҳақида шундай дегандилар: “Устозим Юнус Ражабий овозимни эшитиб кўриб “Сенинг овозингда нола, андуҳ сезилиб туради”, дегандилар. Ҳақиқатан ҳам концертларимда қўшиқ айтсам, дастлабки сатрларни куйлашим билан одамларнинг кўзи ёшланганини сезардим”.

Нафақат “Муножот”, балки “Фиғон” (“Адашганман”), “Сарахбори оромижон”, “Самарқанд ушшоғи”, “Дугоҳ”, “Баёт-1”, “Тановар” ва бошқа кўплаб ашулаларни ҳам Берта Давидова тингловчининг қалби ўртанадиган, беихтиёр қўшиқ матни ичига кириб кетадиган даражада юксак мақомда ижро этарди. Айниқса, мақомлар ижросида аёл хонандалар орасида Берта опанинг олдига тушадигани йўқ эди. Радионинг олтин фондидан жой олган мақом ижроларининг қирқтасидан ўн тўққизтасида беназир санъаткор яккахон хонанда сифатида қатнашганининг ўзи унинг ижро маҳорати нақадар юксаклигидан далолат бериб турибди. Марказий Осиё буюк мусиқий маданиятини асраб-авайлаш лойиҳаси доирасида ЮНЕСКО ҳомийлигида чиқарилган “Шашмақом: тарих ва замонавийлик” номли дискда Берта Давидовага “Ўзбек мақомининг жонли тарихи ва афсонаси” дея баҳо берилгани ҳам фикримизнинг далилидир. Афсуски, диск чиқишидан олдинроқ санъаткор дунёдан кўз юмди. Шубҳасиз, хонандага мақом ижрочилик усулларини ўргатишда академик Юнус Ражабийнинг хизматлари катта бўлди. Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Муллатўйчи Тошмуҳаммедов, Содирхон ҳофиз, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, ака-ука Сўфихоновлар, Ота Жалол, Бобоқул Файзуллаев, Шоҳназар Соҳибов каби машҳур ҳофизлар билан ёнма-ён ижод қилгани хонанда учун катта мактаб вазифасини ўтади.

Бугун яна Берта опанинг хонадонларидамиз. Ўғиллари, иқтисод фанлари номзоди Эркин Маҳмудов ва келинлари Барно Турғунованинг санъаткор ҳақидаги хотираларини тинглаб ўтирарканман, Берта опанинг фақат хонанда сифатида эмас, инсон сифатида ҳам бебаҳо одам бўлганига яна бир бор имон келтирдим.

“Онам ижоди давомида Юнус Ражабийнинг “Репертуарингда қўшиқлар сонини кўпайтиришга зўр берма, ўнта айтма, битта айт, лекин халққа манзур бўлсин, — деган ўгитларига амал қилди, — дейди Эркин ака. — Ҳозир ўйлаб ўтириб, онамнинг, ўша даврда ижод қилган бошқа ҳофизларнинг бардошига, сабр-тоқатига, санъатга муҳаббати ва фидойилигига қойил қоламан. У даврларда мақомлар тунги соат ўн икки, бирдан кейин, кўчада ҳаракатлар тинганда, шовқин-сурон эшитилмайдиган вақтда ёзиб олинган. Хонандалар эртасига ҳеч нарса бўлмагандек, ишга чиқиб кетаверишган. Улар ҳеч қачон санъатни пул билан ўлчашмаган. Онам, айниқса, устозларига улкан меҳр-муҳаббат ва ҳурмат билан муносабатда бўларди. “Мақомни нотага қараб ўрганиб бўлмайди, — дердилар онам. — Уни устозлар шогирдларига қолдиришлари лозим. Ҳар бир мақом устаси ўзининг ижро йўлини, куйлаш услубини, нола-қочиримлари-ю айтишдаги паст-баландликларни шогирдига ўз ижроси орқали муфассал тушунтириши лозим. Яна шуни унутмаслик керакки, мақом айтиш учун овоз ва мусиқийликнинг ўзи камлик қилади. Мусиқа ва матн хонанда қалб торларининг туб-тубини чертиши, мақомнинг ғоявий-бадиий мазмуни “ўзиникига” айланиши, самимий, соф ижро этилиши керак. Шундагина мақом ашулалари авлоддан авлодга соф ҳолда ўтиб боради”.

Берта Давидованинг ўзи ҳам умри давомида ана шу қоидага амал қилиб яшади. Берта опадан кейин мақом ансамблига ишга келган кўплаб хонандалар бу ҳақда фахрланиб гапирадилар. “Мақом ансамблига 1959 йили ишга борганимда Бертаойни кўрдим, — дея хотирлаганди таниқли санъаткор Коммуна Исмоилова Б.Давидова ҳақидаги бир кўрсатувда. — У мени ниҳоятда очиқ юз билан кутиб олди. Шу вақтгача мақом айтмагандим. Бертахон билмаганларимни ўргатди, маслаҳатларини аямади. У билан бирга ишлаганимдан, ёнида туриб қўшиқ айтганимдан беҳад хурсандман”.

Бундай эътирофни мақом ансамблида турли йилларда фаолият кўрсатган бошқа кўплаб хонандалардан ҳам эшитиш мумкин. Муҳими, улар Берта опадан нафақат ижро сабоғини, балки одамийлик сабоғини ҳам олганлар.

Зеро, жуссаси ихчам, назокатли бу аёлда тоғдек юрак бор эди. Ундаги инсоний фазилатлар, ватанпарварлик, юртга садоқат, халққа меҳр-муҳаббат

## Ибратли умр

туйғулари ҳар қандай одамга ибрат бўларлидир. Ўғиллари Эркин аканинг ҳикоя қилишича, Берта опа саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам миллий либосларда юришни, айниқса, атлас кўйлакни яхши кўрганлар. “Қаерда бўлмайлик, Ўзбекистондан эканлигимизни, ўзбеклигимизни эсдан чиқармаслигимиз керак”, дер экан Берта опа.

Бир сафар меҳмон бўлиб Канадага боришади. Атлас кўйлак кийиб кўчага чиққан санъаткорнинг олдига бир йигит келади ва уни таниб, ватандошлар тўпланган йиғинга таклиф қилади. Анча ёшга бориб қолган бўлишига қарамай, Берта опа бир неча ашулани айтиб беради. Йиғилганлар орасида бир бойроқ одам хонандага шу ерда қолишни, унга уй ҳам, машина ҳам олиб беришини айтади. Шу орада Берта опа “Фиғон” (“Адашганман”) ашуласини куйлай бошлайди. Қараса, боя уни қолишга ундаётган йигит йиғлаб ўтирган эмиш. Шунда санъаткор ўша йигитга қараб: “Сиз менга қолинг деяпсизу, лекин ўзингиз ашулани эшитиб йиғлаб ўтирибсиз, — дейди. — Демак, сиз ҳам адашган экансизда. Ўз юртимни ташлаб ҳеч қаерга кетмайман. Менинг ватаним — Ўзбекистон. Ўзимизнинг бир ҳовуч ўзбек тупроғини бутун дунёнинг бойлигига алишмайман. Қаерга бормай, қайтиб келганимдан сўнг Ўзбекистон тупроғини ўпаман. Шу тупроқда туғилганман. Шу халқ мени одам қаторига қўшди, санъатимни кўкларга кўтарди. Бундай оқибатли, меҳмондўст, инсонпарвар халқ йўқ бу дунёда. Бу халқ мени ҳеч қачон ташлаб қўймайди. Ўлсам, мени ўзлари иззат-икром билан кўмишади. Ўзбекистонда яшаётганимдан фахрланаман!”.

Санъаткорнинг қалб изҳори ҳар қандай одамнинг юрагини орзиқтириб юборишига, ўз ватанидан, халқидан фахрланиш туйғуларини янада жўштиришига шак-шубҳа йўқ. Берта опанинг юқоридаги дил изҳорлари бежиз эмас. Зеро, бу улуғ санъаткор ижро этган ҳар бир ашулада миллатимиз тарихи, аждодларимиз қалби, нафаси бор. Ҳозирги ёш санъаткорларимиз учун ҳам Берта Давидовадек қалби бутун устозларнинг ҳаёт йўли, бетимсол ижрочилик маҳорати, она — юртга садоқати ва муҳаббати катта ибрат мактабидир.

**Гулчеҳра УМАРОВА**

# МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон давлат консерваторияси шарқ мусиқаси факультетида “Най навоси” концерти ўтказилди. Унда най созининг сир-асрорларини ўрганаётган талабалар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Талабалар ижросидан ўзбек ва жаҳон композиторларининг “Хониш”, “Тўрғай”, “Озарбойжон мавзуига вариациялар”, “Аргентина тангоси”, “Молдаванча фантазия”, “Най ялласи”, “Баҳор” каби сара асарлари тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

**Гулмира НОРМЎМИНОВА**

* * *

Ушбу даргоҳда ўтказилган хайрия концертида халқ чолғулари бўлими катта ўқитувчиси Илёс Қувватов раҳбарлигидаги талабалар оркестри ўзбек ва жаҳон композиторлари асарларини ижро этди. А.Назаровнинг “Концерт валси”, С.Раҳматовнинг “Шарқ тароналари”, Т.Қурбоновнинг “Поэма”, А.Исмоиловнинг “Кўрмадингиз”, П.Чайковскийнинг “Шелкунчик” балетидан “Па-де-де”, А.Бабажаняннинг “Ноктюрин” асарлари мухлислар олқишига сазовор бўлди. 4-босқич талабаси М. Турдиаҳматова дирижёрлик қилган композитор Энниянинг “Only time” асари томошабинлар учун янгилик бўлди. Концерт якунида Тошкент шаҳри ва вилоятидан, меҳрибонлик уйларидан келган ногирон болаларга эсдалик совғалари улашилди.

**Хуршида АБДУЛАЗИЗОВА**

# ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ



**Таниқли телережиссёр, Ўзбекистон санъат арбоби Маҳкам Муҳамедов ижодий фаолиятини театр режиссёрлигидан бошлаган. Узоқ йиллар республика телевидениесида бош режиссёр сифатида фаолият кўрсатиб, йигирмадан ортиқ сериал, туркум кўрсатувлар, концерт дастурлари тайёрлаган. Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб «Кўнгил кўчалари» номли миллий телесериални томошабинларга тақдим этган. Ҳозир Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтида ёшларга санъат сир-асрорларидан сабоқ бериб келаётган устоз режиссёр билан ижоднинг асосий мезонлари ҳақида суҳбатлашдик.**

**— Маҳкам ака, санъатнинг мазмун-моҳияти, инсон маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти борасида ҳар бир ижодкорнинг ўз тушунчаси бор. Сизнингча, санъатнинг барча турларига хос умумий мезонлар ҳам мавжудми?**

— Санъатнинг моҳияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, хаёлимга мумтоз меросимиз, мақомларимиз келади. Ҳар сафар мақом ашулаларидан бирортасини, “Чўли Ироқ”, “Муножот” каби мумтоз куйларни, танбур, сато, най наволарини тинглаганимда беихтиёр бу дунёдан узиламан. Хаёлларим баъзан олис мозийга етакласа, баъзида ўтган умрим кўз ўнгимда жонланади. Олам ва унинг моҳияти, одамзотнинг бу сирли оламдаги ўрни ҳақидаги саволлар тинчлик бермай чарх ураверади. Ёки бўлмаса, бир вақтлар ижодий сафар билан Парижга борганимда машҳур Бибимарям ибодатхонасини зиёрат қилганман. У ерга кирганим ҳамоноқ қулоқларимга органнинг ҳайратланарли оҳанглари чалинди. Атроф тўла одам. Ҳамма бир сўз демай, сукутда ўтирарди. Мусиқа товушлари қалбимга тобора сингиб борарди. Бутун вужудимни ажиб бир ҳис чулғаган. Хаёлимда, онгу шууримда тинимсиз саволлар айланади: бу дунёга нега келдинг, нималар олдинг, бошқаларга нима беролдинг? Ҳаёт ўзи нима, унинг сир-синоатлари нималардан иборат... Бундай саволлар хаёлимдан ўтардию, кўз ўнгимда бутун ҳаётим гавдаланарди. Умримнинг сарҳисоби шундай оний лаҳзаларда акс этар, англашим қийин бўлган бир ҳолатда гўё руҳим покланар эди. Буларнинг ҳаммаси мусиқа таъсирида кечган. Мана сизга мусиқанинг, санъатнинг кучи! Ўз-ўзидан кўринадики, санъатнинг моҳияти инсон руҳини поклашдан, уни эзгуликка чорлашдан иборат. Айниқса, бугунги кунда халқимизни, хусусан, ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялашда, ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни вояга етказишда санъатнинг алоҳида ўрни бор.

**— Асл санъат — кўнгил мулки, деган гап бор. Айтингчи, кўнгил мулкига айланишга лойиқ санъат асарлари қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?**

— Ҳар қандай санъат асари ўзи мансуб бўлган халқнинг, миллатнинг онгу тафаккурида вужудга келади. Ана шу халқнинг маънавий сарчашмаларидан, анъана ва қадриятларидан, керак бўлса, ирсиятидан озиқланади. Шу туфайли ҳам санъаткорлар яратган асарларда ўзи мансуб бўлган халқ руҳияти акс этади. Зеро, халқнинг, миллатнинг руҳияти билан озиқланган санъат асарларигина асл мумтоз асарлар ҳисобланади. Ва бундай асарлар даврлар ўтса ҳам, авлодлар ўзгарса ҳам таъсир кучини йўқотмайди.

Адабиётимиз ва санъатимизнинг дунё тан олган мумтоз намуналари турганда нега жўн йўлни танлашимиз керак? Айтайлик, ҳозир баъзи ёшларимиз эргашаётган Ғарбнинг айрим мусиқалари, ҳаддан ташқари шовқин-суронли йўналишлар уларга нима беради? Улардан қандай маънавий озиқ олиш мумкин? Буларнинг бари ўткинчи нарсалар: ялтираган ҳамма нарса ҳам олтин бўлавермайди. Ана шундай адашишларнинг олдини олиш учун бошқа соҳа ижодкорлари қатори биз телережиссёрлар ҳам ёшларга маънавий озиқ берадиган кўрсатувларни кўпроқ тайёрлашимиз керак. Зеро, томошабин ижодкордан жиддий, бугуннинг муаммолари, бугуннинг қаҳрамонлари акс этган асарлар кутяпти. Ҳар бир яратган асаримиз замирида миллий руҳиятимиз яшаши, ўзлигимиз акс этган бўлиши керак. Шунингдек, бундай асарлар умуминсоний идеалларга ҳам хизмат қилиши лозим. Шундай асарлар вақт синовидан безавол ўтади.

**— Кўп йиллар телевидениеда, театрда режиссёр бўлиб ишлагансиз. Кинода ҳам салмоқли ижод қилдингиз. Сизнингча, замон ва томошабин талабига жавоб бера оладиган санъат асари яратиш учун нималарга эътибор бериш керак?**

— Ҳар бир санъат ва санъаткор олдида биринчи навбатда профессионализм масаласи туради. Ижодкор ўз ишини виждонан, ҳалол бажариш билан бир қаторда, кўрсатувларни ўз ишидан қониққан ҳолда тайёрлаши керак. Агар бунинг акси бўлса, томошабин дарҳол сезади.

## Учрашув

Профессионаллик масаласига кенгроқ тўхталадиган бўлсак, у одамнинг ўз соҳасини мукаммал билишидан тортиб, инсоний фазилатларигача қамраб олади. Масалан, мен учун яхши асарнинг ўзи камлик қилади. Асар ёқса, албатта, унинг муаллифи билан учрашишга ҳаракат қиламан. Муаллиф билан учрашиб, унинг инсоний фазилатларини аниқлаб оламан. Зарур бўлса, асарда ўзи кўтарган умуминсоний ғояларга, умуман ижобий фазилатларга муносабатини билишга ҳаракат қиламан. Мухлисларим яхши билишадики, узоқ йиллар драматург Машраб Бобоев билан ҳамкорликда бир қанча асарларни саҳналаштирдим. Унинг асарларида виждон ҳайқириғини, мантиқнинг кучлилигини кўрардим. Машрабнинг қаҳрамонлари муаллифнинг ўзига ўхшаган оддий, орамиздаги одамлар. Яна Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарини экранлаштиргандим. Гарчи роман асосида филм қилаётган бўлсам-да, уни тўлалигича экранга кўчира олмасдим. Чунки экраннинг ўз талаблари бор. Очиғи, асарни қандай қисқартиришга бошим қотди. Шу паллада режиссёрман, деб билганимча қисқартираверишим тўғри бўлармиди? Албатта, йўқ! Узоқ ўйлаб, романнинг керак ўринларини фақат ёзувчининг руҳиятини тушунадиган, ҳақиқий ижод машаққатларини бошидан ўтказган одамгина танлаб бера олиши мумкинлигига амин бўлдим. Шундай одам топилди ҳам. Ҳозиргача тўғри йўл тутганимиздан хурсанд бўламан. Бугун театримизда ўз ишига ижодий ёндашадиган, ҳар қандай асарни профессионал нуқтаи назардан таҳлил қилиб, хулоса чиқара оладиган режиссёрлар кам эмас. Масалан, драматург Рихсивой Муҳаммаджоновнинг “Ойдин” номли асари асосида иккита театр спектакл саҳналаштирди. Ўзбек Миллий академик драма театрида бу асарни Валижон Умаров, Сирдарё театрида эса Бахтиёр Тўраев саҳнага қўйди. Ҳар иккала спектакл ҳозирги кунда бутун инсониятни ташвишга солаётган одам савдоси ва унинг мудҳиш иллатларини бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Энг муҳими, асар ҳар икки театрда ҳам профессионал нуқтаи назардан саҳнага олиб чиқилган. Ўзбек драма театрида Сайфиддин Мелиев саҳналаштирган “Ҳаёт формуласи” спектакли ҳам (ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Пуанкаре” ҳикояси асосида) жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Ўзига хос саҳна ечимига эга бўлган бу асарда замонавий ёшларнинг ўй-кечинмалари, уларни қизиқтирган масалалар, қийнаётган муаммолар ўз аксини топган. Бунга ўхшаш мисоллар бошқа театрларда ҳам топилади.

**— Истеъдодларнинг санъатда ўз ўрнини топишида устоз-шогирдлик анъанасининг аҳамияти қандай? Умуман, ҳозирги ёшлар ижодидан мамнунмисиз?**

— Ҳар бир бошловчи ижодкор устозни ўзи танлайди. Руҳиятига, қалбига, дунёқарашига мос устозининг этагидан тутади. Масалан, менинг устозим раҳматли Тошхўжа Хўжаев бўлган. Санъаткорнинг ҳар бир иши мени ҳамиша ҳайратлантириб келган. Ҳатто бугун ҳам у кишининг нигоҳларини сезгандек бўламан. Бирор ишим кўнгилдагидек чиқмаса, назаримда, мендан ранжиётгандек, койиётгандек туюлаверади. Демоқчиманки, устоз-шогирдлик анъанаси том маънода самара бериши учун фақат касбий яқинликнинг ўзи камлик қилади. Одам руҳияти, маънавияти, дунёқараши ҳам яқин бўлиши, шогирд ўз устозининг нигоҳларини доимо ҳис қилиб туриши керак. Шундагина зиммасидаги масъулият ҳисси уни бир умрга тарк этмайди. Шундагина у ўз устозининг анъаналарини давом эттиришга, ўзини устоз деб билганларга ёрдам беришга ҳаракат қилади.

Ёшларга келсак, бугун улар орасида режиссёр бўламан, ўз ишимнинг устаси бўламан деганлар кўп. Уларнинг аксарияти ҳаракатчан, қизиқувчан. Мисол учун, ҳозирда энг оммавий жанр ҳисобланган телесериални олайлик. “Ҳаёт пиллапоялари” ёш ижодкор Андрей Африн режиссёрлик қилган сериал бўлиб, “Ўзбекистон” телерадиокомпанияси медиамарказида яратилган. Телесериал “Тошкент“ телеканали орқали намойиш қилинди. Умид қиламизки, бу асар томошабинларга маъқул бўлади.

Афсуски, санъат орқали машҳурликка интилаётганлар ҳам йўқ эмас. Машҳурликка интилиш яхши нарса, бироқ кучли заминга, истеъдодга, маҳоратга эга бўлмай, ўз устида тинимсиз меҳнат қилмай туриб, машҳурликка интилиш исталган натижага олиб келмаслиги бор гап. Энг муҳими, ҳақиқий ижодкор бўламан деган одам умуминсоний ғояларга таянган, халқнинг қадриятларини, орзу-умидларини ўзида акс эттирган, эзгуликка, яхшиликка йўғрилган асарлар яратиши керак. Телевидение режиссёрлиги билан қизиқувчи ёшлар эса, биринчи навбатда тасвирий санъатга, рассомлар ишига катта аҳамият бериши лозим. Зеро, кадр ва саҳнага жон бағишлаш — рассомнинг иши. Компютер дастурлари орқали бу ишни амалга ошириб бўлмайди. Ҳақиқий умуминсоний ният ва ғояларгина мангу яшайди.

**Элдор ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.**



# БОЛАЛИК БЕКАТИ

## Кўргазма залларида

Наманган давлат университетида таниқли адиб, фоторассом Нодир Норматов ва фотожурналист Султонбой Деҳқоновнинг “Соғлом бола йили”га бағишланган “Кўҳитангтоғ болалари” ҳамда “Болалик бекати” деб номланган кўргазмалари очилди.

— Нодир Норматов сўнгги йилларда ўзи туғилиб ўсган Сурхон воҳасининг Пошхурт, Вандоб, Қизил олма, Хомкон каби қишлоқларида ижодий сафарларда бўлиб, у ердаги болаларнинг яшаш тарзи, қизиқиши, халқ маросими ва анъаналаридаги иштироки, тоғ ва дашт манзараларини суратга олиб, мухлисларга тақдим этгани диққатга сазовор, — деди Ўзбекистон халқ устаси Асқарали Акбаров. — Фоторассом Султонбой Деҳқоновнинг кўргазмаси эса мустақиллик даври фарзандларининг бахтли, беғубор дунёси ҳақида ҳикоя қилади. Асарлардаги табиийлик, кутилмаган композицион ечимлар, ҳаётнинг нурли манзаралари томошабинни мафтун этади.

Ушбу кўргазмалар вилоятнинг Учқўрғон туманидаги ихтисослаштирилган махсус санъат мактаб-интернатида ҳам намойиш этилди.

**Жамолиддин МУСЛИМ**

Эл обод — дил обод




**Уйимиз айвонига қалдирғочлар ин қурди. "Уялари бунча ажойиб, — деди набирам. — Худди кичкина идишчага ўхшайди-я." "Ҳа, улар жуда меҳнаткаш, — дейман пишиқ-пухта уядан завқланиб. — Одамлардек меҳр-муҳаббатга ташна. Шу боис уйларимиз шифтига ин қуришади. Биз ҳам она табиатимизни, қушларни асрашимиз керак..."**

Ҳаёт шундай. Фарзандларимиз, невараларимиз ҳар бир гапимизни қалбларининг оппоқ саҳифасига муҳрлаб оладилар. Шунинг учун ота-онанинг панд-насиҳати, шахсий ибрати ёш авлод тарбиясида бир умрга эзгу амаллар учун йўл очади.

Тўқсонга яқинлашаётган онахонни биламан. Узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик қилган. Сермулоҳаза, ҳар бир сўзини ўйлаб айтади. Шу ёшида ҳам ҳовлисида тинмайди, ҳали чаман очилган атиргуллар орасидаги бегона ўтларни юлади, ҳали райҳонлар атрофини юмшатади ёки сигирига челакда сув беради. Ўғиллари, набираларининг эътирозига: "Мени тушунинглар, тинч ўтиролмайман. Ҳаракат соғлиғимга ҳам фойда", дейди.

Онахон ўғлини эртак айтиб, китоб ўқиб вояга етказди. Набирасини опичлаб, олисдаги боғчага олиб борди. Ҳозир ўғли фан доктори, набираси масъул вазифада. Энди момо эварасига эртак айтаяпти.

"Биласанми, болажоним, — дейди момо. — "Буғдойзор опа-сингил, ака-укалар йўлини яқин қилади", деган ота-боболарнинг гапи бор. Бунинг маъноси шундай: нон жуда азиз неъмат ҳисобланиб буғдойдан тайёрланади. Ҳеч ким буғдойзорга бемаврид ва сабабсиз қадам босмаслиги керак. Фақат туғишганларгагина жуда зарур бўлган ғаллазорга зарар етказмай дала четидан юришга ижозат берилган экан. Бу қариндошлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари узилиб кетмаслигига ишорадир.

Болакай киприкларини пирпиратиб жим қолади. Бувисининг ҳикояси мазмунини қалбига сингдиради. Мурғак онги меҳр-оқибат, нон ва унинг қадрини англай бошлайди.

Ён-атрофимизда яхши ном қолдириш, фарзандларини эл-юрт манфаатига камарбаста этиб тарбиялашни турмуш тарзига айлантирган кўплаб инсонларни учратамиз. Шуларни ўйлаганимда бутун умри боғбонлик билан ўтаётган, саксон ёшли Ниғматилла Раҳматиллаев хаёлимга келади. Отахон Зангиота тумани фермер хўжаликларида ишлайди. Аниқроғи, хўжаликни дастлаб ўзи ташкил этиб, кейинчалик ўғиллари билан боғ барпо этиш, мевали дарахтларнинг янги навларини яратиш устида изланмоқда.

Қишлоқ йўлининг икки тарафида олисларга туташ боғлар ястаниб ётибди. Олмазор, олхўризор, узумзор... Димоғингизга мевали дарахтларнинг чаман бўлиб очилган гуллари ҳиди урилади. Дарахтларга шундай шакл берилганки, ҳайратдан қойил, деб юборасиз. Ёш ниҳоллар орасида эртаги экинлар: қулупнай, картошка, помидор чамандек гуллаб ётибди.

Ниғматилла отани тоғолчага олхўри новдаларини улаётганида учратгандик. Ажаб, пайвандга етиб келган ниҳол биринчи йилиёқ гуллабди.

— Қаранг, тупроғимиз қанчалик унумдор, — дейди боғбон. — Ҳатто оддий чўпни ерга қадасанг ҳам кўчатга айланади. Мана, ўғлим ва невараларим ёнида шу ёшдаям ишлагим келаверади. Гашти бўлак-да бунинг.

Отахоннинг гапларидан Ватанга меҳр-муҳаббат, ва албатта, фарзандларининг шундай фидойи инсонлар бўлиб етишганидан мамнунлик туйғуларини сезиш қийин эмас.

Ҳар якшанба болалигим ўтган маҳаллага онамни кўргани бораман. Волидам билан икки-уч соат суҳбатлашиб, соғинчим босилгандек бўлади. Бу гал ҳам энди уйга кириб боргандим дарвоза тақиллаб қолди. Очсам Турғун ака турибди.

— Ўтиб кетаётиб, овозингизни эшитиб қолдим, — деди у киши жилмайиб. — Тўйчи акангиздан хабар олиб келаяпман. Биласиз, қариндошмиз. Одамнинг меҳри кўзида, кўришиб турганимиз яхши-да.

Турғун акани уйга таклиф этаман. Йўқ, — дейди у. — борадиган жойим бор. Бир беморни кўриб келишим керак.

У кетади, мен эса Турғун ака билан боғлиқ яхши хотираларни эслайман. Ўғил уйлантираётгандик. Кечқурун даврани олиб боришга таниқли санъаткорларни айтгандик. Лекин негадир улар кечикишди. Кўнглимиз ғашланди. Шунда тўйхонада Турғун ака кўринди.

— Тўй муборак бўлсин, — деди жилмайганича. — Узр, кечроқ қолдим, яқин қариндошимизникида ҳам тўй бор эди, у ерга бирров ўтгач, энди сизни табриклай деб келаяпман-да.

Хурсандчилик ва хижолат орасида қолдим. Хурсандчилигим боиси, у қайси ерга борса, даврани қизитади. Хижолатлигим сабаби эса Турғун акани тўйга айтишни унутганим эди. Аммо у киши ҳеч қандай гина қилмасдан, давра бошқарувчиси таклифи билан микрафонни қўлига олди. Тўй қизигандан-қизиди.

Турғун ака Тўлабоев кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилган. Уни ҳамкасблари нафақат фидойи устоз, балки ташкилотчи сифатида ҳам билишади.

Онамнинг уйига бориб келганимдан кейин беш кун ўтганди. Турғун ака ишхонамга кириб келди.

— Сизга маҳалладаги танишлардан салом, — деди у одатдагидек тез-тез сўзларкан. — Онахонни эшик олдида кўрдим. Соғ-омонлар. Салом айтиб қўйинг, ўғлимга, дедилар. Шу омонат гапни етказиб қўяй, деб кирдим. Маҳаллада кўп тўйлар бўлаяпти. Шундай кунларга етказганига шукур.

У чиқиб кетар экан, ҳаётидан мамнун бундай оддий, самимий одамларнинг маҳалламизда кўплигидан хурсанд бўлиб кетдим, шунда яна бир бор ободлик кўнгилдан бошланишини англадим.

Уйимиз айвонидаги қалдирғочларнинг вижир-вижири қулоққа бирам ёқимли эшитилади. Ҳадемай полапонлари пайдо бўлиб, уядан бўй чўзишади. Мусаффо осмонимиз, бағрикенг, меҳнаткаш одамларимизнинг тафтидан меҳр олиб учирма бўлади.

**Абдусаттор ҲОТАМОВ**

Гул кўп, чаман кўп

## ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

### Харуки Мураками янги китоб ёзди

Машҳур япон адиби, Нобел мукофоти совриндори Харуки Мураками шу ойда навбатдаги ҳикоялар тўпламини чоп эттирмоқда. "Аёлларсиз эркаклар" деб номланган мазкур тўпламга ҳали эълон қилинмаган янги ҳикоя ҳамда илгари Япониянинг турли журналларида босилган асарлар кирган. Ёзувчининг анча шов-шув ва бир неча ҳафта аввал кечирим сўрашига сабаб бўлган "Менинг машинамни бошқар" номли ҳикояси ҳам шу тўпламдан жой олган. Гап шундаки, ҳикоя қаҳрамони машинада бораётиб, уни бошқараётган ёшгина қиз чекилган тамаки қолдиғини ойнакдан ташқарига отиб юборган ҳолатни кўриб "Накатомбэцуликларнинг ҳаммаси шундай қилади", деган мулоҳазани айтади. Бу эса Япония шимолидаги Накатомбэцу шаҳри аҳолиси иззат-нафсига тегиб кетгани учун ёзувчи жуда ноқулай аҳволга тушган. Ёзувчи янги тўпламдан жой оладиган шу ҳикоясида шаҳар обрўсига путур етказадиган бу жумлани таҳрир қилишга, яъни жой номини олиб ташлашга ваъда берган.

64 ёшли Харуки Мураками жаҳонда асарлари энг кўп ўқиладиган замонавий ёзувчилардан бири. Асарлари дунёнинг қирқдан ортиқ тилларига таржима қилинган. "Қўй ови", "Норвегия ўрмони", "Соҳилдаги Кафка", "1Q84" каби романлари рус тилига ўгирилган. Х. Муракаминнинг "Рангпар Цукуру Тадзаки ва унинг сафардаги йиллари" романи ўтган йили Япониянинг мутлақ бестселлери ҳисобланиб, салкам бир миллион нусхада сотилган.

### Пабло Неруданинг илк шеъри

1904 йилнинг 14 июлида Чилининг жанубидаги Паррал шаҳрида темирйўлчи оиласида Рикардо исмли ўғлон туғилади. У туғилганиданоқ онасидан етим қолади.

Рикардо зийрак, истеъдодли ва таъсирчан бола эди. У сирли ва мўъжизали табиатни қалбан ҳис этишга интилади, кўп ўқийди ва шеърлар машқ қила бошлайди. Илк шеърларидан бирини ўгай онасига бағишлайди. Камбағал оиласини, томидан чакки ўтган хароб кулбасини, меҳрибон ва мушфиқ онани жонли ва самимий сатрларда тасвирлайди. "Илк шеъримнинг қандай чиққанини билиш учун ота-онамга олиб бордим, — дейди шоир. — Улар ошхонада катталар дунёсини болалар дунёсидан кенг ва теран дарёдан ҳам катта бўлиб ажратиб турувчи ўзаро шивир-шивир гурунгга берилган эдилар. Юрагимга илк бор ташриф буюрган илҳомнинг ҳаяжони ҳамон босилмагани туфайли қўлларим титраб, шеър ёзилган қоғозни уларга узатдим. Отам бепарволик билан варақни қўлимдан олди, бепарволик билан ўқиди ва яна шундай бепарволик билан қайтариб берди:

— Буни қаердан кўчирдинг? — деди-да, онам билан дунёнинг кўҳна ва битмас-туганмас ишлари ҳақидаги суҳбатларини келган жойидан давом эттираверди.

Илк шеърим мана шундай пайдо бўлди, ота-онамнинг бефарқлиги каби адабий танқиднинг ҳам бефарқлигига дуч келди.."

1920 йилдан бошлаб унинг шеърлари Пабло Неруда имзоси билан нашр этила бошланди. Баъзи китобларда ёзилишича, Нефтали Рикардо Рейеснинг адабиётга қизиқиши оила аъзоларига ёқмас ва ота-онаси унинг шеър ёзишига тиш-тирноғи билан қарши чиқар эди. Отаси ва ўгай онасининг ғазабидан қўрқиб ёш ижодкор асарларига Пабло Неруда дея имзо қўйган. Чехословакиялик машҳур шоир Ян Нерудага ҳавас қилиб ўзига Неруда дея тахаллус танлаган. Охир-оқибат Пабло Неруда деган ном унинг расмий исм-фамилиясига ҳам айланиб кетди.

Пабло Неруда 1971 йилда "Башарият қўшиғи" эпопеяси учун Нобел мукофоти билан тақдирланади.

### Адабий мукофот соҳибаси

Швед адибаси Барбру Линдгрен 2014 йилги Астрид Линдгрен номидаги мукофот соҳибаси бўлди. Ўтган йили аргентиналик рассом ва адиба Исоль (Марисоль Мисента) шу мукофотга сазовор бўлганди. Барбру Линдгрен 1937 йили туғилган. У болаларбоп китоблар, театр учун пиесалар ва шеърий тўпламлар муаллифи. Унинг асарлари тилининг жозибаси, руҳият эврилишларига бойлиги, болалик манзараларининг реалистик тасвири билан ёш китобхонлар меҳрини қозонган. Адиба ҳикоялар ва лирик шеърлар ҳам ёзади. Унинг асарлари жаҳондаги ўттиздан ортиқ тилга ўгирилган бўлиб, ҳаётнинг бахтли ва ёруғ лаҳзалари, турмуш жумбоқлари ҳақида ҳикоя қилувчи "Маттиас ёзи", "Салом, Маттиас" каби асарлари рус тилига таржима қилинган.

Астрид Линдгрен номидаги мукофот ҳайъати 68 мамлакатнинг 238 адиби орасидан унинг номзодини мукофотга лойиқ топди. 2002 йилнинг январида адиба Астрид Линдгрен вафотидан сўнг Швеция ҳукумати томонидан таъсис этилган бу йирик мукофот қиймати 564 минг евро ёки 5 миллион швед кронасига тенг. Ёзувчи, адабиётшунос, рассом, танқидчи ва кутубхоначилар аъзо бўлган мукофот ҳайъати маданият масалалари бўйича мамлакат миллий кенгаши томонидан тайинланади.

Мукофот шу йилнинг 2 июнида Стокгольм филармониясида топширилади.

Эртак

**Мерлин БАРНС, Америка адибаси**

## УЧБУРЧАК БЎЛИШ БАХТИ

Кунларнинг бирида Учбурчак ҳақиқий ишбилармонлардек мудом иш билан банд бўлишни хоҳлаб қолибди ва вақтини уйларнинг томи бўлишга, шамолларни тутиш учун қайиқларга елкан, ширин тортларнинг кесилган бўлаги бўлишга ва яна шунга ўхшаш қизиқарли ишларни бажаришга сарфлабди.

Айниқса, у ялқовлар қўлларини белига тираб турган ҳолатидаги "иши"ни яхши кўрар экан.

— Чунки мен бундай пайтда одамлардан энг сўнгги янгиликларни эшитаман ва бир зумда яқин дўстларимга гапириб бераман, — дерди Учбурчак.

Унинг дўстлари эса, албатта, Учбурчакдан ажабтовур хабарларни эшитишга ишқибоз эди.

Орадан кунлар, ойлар ўтиб Учбурчак ҳаётидан норози бўла бошлабди:

— Нуқул бир хил ишни бажаришдан чарчадим. Яхши яшашим учун ҳар хил ишлар билан машғул бўлишим керак.

Шу пайтда у Шаклгар қиролнинг олдига борибди.

— Сизга қандай ёрдам беришим мумкин, — ўйланибди Шаклгар.

— Менга яна битта бурчак қўшсанг, тўртбурчакка айлансам ҳаётим янада қизиқарлироқ бўлармиди, дегандим... ёрдам бера оласанми?

— Бу жуда осон-ку. Майли, — дебди Шаклгар ва бир "кууф-сууф" дейиши билан Учбурчак Тўртбурчакка айланибди. Энди у шахмат тахтасида, телевизорда ва компютерда намоён бўла бошлабди. Деразалар, суратлар ва чиройли расмларда вазифа-сини қойиллатиб бажара бошлаган Тўртбурчакнинг, айниқса, севимли иши китоб саҳифаларида бўлиш экан. "Мен бу ерда жуда қизиқарли ҳикояларни ўқийман ва уларни яқин дўстларимга айтиб бераман", дея мақтанибди Тўртбурчак.

Дўстлар энди ундаги ғаройиб ҳикояларни эшита бошлашибди. Лекин кўп ўтмай Тўртбурчак яна турмушидан нолий бошлабди: "Мен бир хил ишдан чарчадим. Ҳаётим бундан-да қизиқарли бўлишини хоҳлайман. Мени бошқа шаклга айлантирсанг яхши бўларди", — дебди. Шаклгар: "Бу жуда осон", дея уни Бешбурчакка айлантириб қўйибди. Ана серзавқ ҳаёт! У қимматбаҳо олмосда, футбол коптогида, сабзи тўғрайдиган тахтада намоён бўлибди. Севимли машғулоти катта шаҳардаги кўпқаватли уй шаклида бўлиш экан.

Чунки у ердаги қизиқ суҳбатларни дўстларига айтиб берар экан-да.

Вақт ўтиб яна якранг ҳаётдан зериккан Бешбурчак тағин Шаклгарнинг ҳузурига борибди. Шаклгар уни энди Олтиб-урчакка айлантирибди. Унинг асосий иши қор парчаси бўлиш экан. Дўстлари уни яна суҳбатларга чорлашибди. Аммо у энди вақти йўқлигини рўкач қилибди. Орадан кунлар, ойлар ўтиб у тағин турли шаклларга кирибди: етти, саккиз, тўққиз ҳатто ўнбурчакка айланиб, ниҳоят думалоқ шаклга кириб қолибди. Лекин бу шаклларда сира омади чопмабди. Олманинг шаклига кириб дарахтда осилиб турган пайтда ерга тушиб лат ебди. Велосипеднинг балони бўлган экан, куни бўйи айланишдан жуда толиқиб қолибди. Ўзини ёлғиз, чарчаган ва бахтсиз санай бошлабди. Чунки дўстлари ҳам ундан манманлиги боис юз ўгириб, хабар олмай қўйишибди-да. Умид билан Шаклгарнинг олдига борган Думалоқвой:

— Етар, мен бу шаклга кирганимдан бери битта жойда туролмаяпман, айланганим-айланган. Жуда ёлғизман. Дўстларим ҳам йўқ, — дебди ўксиниб.

Шаклгар:

— Наҳот, сен ҳали ҳам бахтли эмассан?

— Ҳа, мен асл ҳолимга қайтишни хоҳлайман. Бу сенга қийин эмас-ку, шундайми?

— Албатта, сени яна оддий учбурчакка айлантириш жуда осон, — дебди ва "кууф-сууф" деб яна ўзимиз билган ўша Учбурчакка айлантириб қўйибди.

Энди Учбурчак тағин вақтини Мисрнинг афсонавий эҳроми, уйларнинг томи, шамолларни тутиш учун қайиқларга елкан, ширин тортларнинг кесилган бўлаги бўлишга ва шунга ўхшаш қизиқарли юмушларни бажаришга сарфлай бошлабди.

Айниқса, у ялқовларнинг қўлларини белига тутиб турган ҳолатидаги ишни яхши кўрар экан.

— Чунки мен бу пайтда улардан энг сўнгги янгиликларни эшитаман ва ўзимнинг яқин дўстларимга гапириб бераман, – дермиш Учбурчак.

Учбурчакнинг дўстлари, эса, албатта ундан ажабтовур хабарларни эшитишга ишқибоз экан.

**Инглиз тилидан Ирода МУҲИДДИНОВА таржимаси.**

## ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида тизимда амалга оширилаётган ишлар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Халқаро экспертлар билан ҳамкорликда узлуксиз таълим тизими учун умумевропа талабларига (CEFR) асосланиб чет тилларидан янги давлат таълим стандартлари, бошланғич синфларда ҳафтасига икки соатдан чет тили ўқитилишини назарда тутган ўқув режаси ишлаб чиқилгани ҳамда 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб юртимизнинг барча умумтаълим мактабларининг 1-синфларида чет тили фанини ўқитиш йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирни Халқ таълими вазири У.Иноятов очиб, юртимизда чет тилари ўқитилишини такомиллаштиришга қаратилган қарорларнинг мазмун-моҳияти, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари учун яратилган кўп нусхадаги дарслик мажмуаларига қўшимча равишда ўқитувчилар ва ота-оналар учун ҳам ўзбек-рус тилларида қўлланмалар чоп этилгани, чет тили ўқитувчиси мутахассислиги бўйича қайта тайёрлаш курсларига юқори талаблар асосида тингловчилар қабул қилиниши йўлга қўйилиб, малакали кадр сифатида шакллантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

* * *

Консерваториянинг катта залида Ўзбекистон халқ артистлари Исмоил Жалилов ҳамда Муяссар Раззоқова шогирдларининг концерти бўлиб ўтди. Унда устоз санъаткорларнинг энг истеъдодли талабалари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ижрочилар орасида "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, халқаро ва республика танловлари ғолиблари ҳам бор. Исмоил Жалилов раҳбарлик қилган мазкур концерт сўнгида таниқли санъаткор Муяссар Раззоқова юксак маҳорати билан яна бир бор барчани ҳайратда қолдирди.

**Ҳабиб СУЛТОНОВ**

* * *

Ўзбекистон давлат циркида икки кун давомида "Сени соғиндик, баҳор" номли концерт дастури намойиш этилди. Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти ўқитувчи ва талабалари томонидан тайёрланган мазкур концерт "Соғлом бола йили" ҳамда халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланди.

Концертда қатнашган таниқли санъаткорлар ҳамда истеъдодли ёшлар ижросидаги мумтоз ашулалар ва эстрада қўшиқлари тингловчиларга баҳорий кайфият бағишлади.

**Юлдуз ВАФОЕВА**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси **Зоҳир АЪЛАМ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙЙИД

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 6651 Буюртма Г — 458. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X
9 772181 614000